

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**2019**



**АССОЦИАТИВ ТИЛШУНОСЛИК**

Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмуа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**Н.М.Эгамбердиева**

**“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил**

**“АССОЦИАТИВ ТИЛШУНОСЛИК”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили филологияси:ўзбек  
тилшунослиги**

**Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2019**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Д.Лутфуллаева** – филология фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**

**Б.Менглиев** – филология фанлари доктори, профессор

**З.Холмонова** – филология фанлари доктори

*Ўқув -услугий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ Кенгашининг 2019 йил 28- августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	9
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	12
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....	23
V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	46
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	47
VII. ГЛОССАРИЙ .....	49
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	50

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

“Ассоциатив тилшунослик” деб номланган мазкур фан доирасида замонавий ўзбек тилшунослигида эндигина ўрганилаётган антропоцентрик тилшуносликнинг лингвокультурология, психоллингвистика, прагматлингвистика йўналишлари, уларнинг ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари ҳақида маълумот берилади. Бу фан педагогларни замонавий тилшунослик қўлга киритаётган энг сўнгги ютуқлар билан таништиради, уларни тил ҳодисаларини инсон омили билан боғлаб ўрганишга ўргатади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Ассоциатив тилшунослик, унинг таҳлил методлари тил материалларини унинг эгасидан алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Тилга антропоцентрик ёндашув асосида муайян тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, воқеликни тил орқали акс эттириши, лисоний қобиляти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар захираси, матн яратиши механизми, матнни идрок этиши қобиляти, тил бирликларининг миллий-маданийлик белгиси каби масалалар очиб берилади. Ўқув фанининг асосий мақсади тингловчиларга айни шу масалалар бўйича назарий маълумот бериш ва уларни тил ҳодисаларини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишга ўргатишдан иборат.

Ўқув фанида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- тингловчиларга ассоциатив тилшуносликнинг юзага келиши, ўрганиш объекти, асосий тушунчалари, йўналишлари ҳақида маълумот бериш;
- тил ва ассоциатив тафаккур, тилда воқеликнинг вербал ифодаси масалаларини таҳлил қилиш;
- ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш омилларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ўзбек тилидаги ассоциатив бирликларга хос хусусиятларни таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар чиқариш;
- тингловчиларни тил бирликларининг ассоциатив хусусиятларини таҳлил қилишга ўргатиш;
- тингловчиларни ўзбек ассоциатив тилшунослигининг ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари билан таништириш;
- тингловчиларга ассоциатив тажриба методи, унинг моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, ассоциатив луғат турлари ҳақида маълумот бериш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига кўйиладиган талаблар**

“Ассоциатив тилшунослик” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **ТИНГЛОВЧИ**:

- тилга ассоциатив ёндашувнинг моҳияти ва унинг шаклланиш тарихи; тилшуносликда ассоциатив тилшуносликнинг шаклланиш босқичлари ва моҳияти; ассоциатив тилшуносликнинг асосий тушунчалари, таҳлил методлари; ассоциатив тилшуносликда олиб борилаётган тадқиқотлар; ассоциатив тилшуносликнинг долзарб муаммоларини *билиши керак*;
- матнни ассоциатив аспектда таҳлил қилиш; матннинг ассоциатив хусусиятларини белгилаш; тил бирликларининг ассоциатив хусусиятларини аниқлаш; илмий хулосани муайян тизим асосида баён этиш; илмий таҳлилда замонавий методологияни қўллай билиш *кўникмаларига* эга бўлиши керак;
- бадий матн яратишда ассоциатив майдон, ядро ва чегара қисмларнинг ўзаро муносабатларига хос равишда фойдалана олиш; ассоциатив тадқиқ тамойилларини илмий билиш; матнни ассоциатив аспектда таҳлил қила билиш; ассоциацияларнинг лингвистик хусусиятларини аниқлай олиш; ассоциатив майдон бирликларини таҳлил қила олиш; ассоциатив тажрибалар ўтказиш, натижаларни статистик ва лингвистик таҳлил қилиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

«Ассоциатив тилшунослик» курси маъруза, амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар

билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ассоциатив тилшунослик” модули ўқув режасидаги педагогик квалиметрия, компьютер лингвистикаси, филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил, ўзбек тилшунослигининг назарий-методологик муаммолари, тил тизимида антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари, семасиологиянинг долзарб муаммолари билан боғлиқликда ва узвийликда ўқитилади.

### **Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни**

“Ассоциатив тилшунослик” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий тилшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ва янги йўналишларидан хабардор бўладилар, жаҳон тилшунослигида тил ходисаларини янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган илғор тажрибалар билан танишадилар, тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси		
			Жами	жумладан	
		Назарий		Амалий	
1.	Ассоциатив муносабат, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, лингвистик моҳияти.	2	2	2	
2.	Вербал ассоциациялар таснифи	2	2		2
3.	Ассоциатив майдон назарияси.	2	2		2
4.	Бадий матннинг ассоциатив майдони.	2	2		2
5.	Ассоциатив тажриба методи. Ассоциатив тажриба натижаларининг таҳлили.	4	4		4
	Жами:	<b>12</b>	<b>12</b>	<b>2</b>	<b>10</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу. Ассоциатив муносабат, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, лингвистик моҳияти.**

Ассоциатив бирликассоциатив муносабат, вербал ассоциация, лингвистик омил, экстралингвистик омил. Тилшуносликда тил бирликларининг ассоциатив муносабати, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив бирликларнинг лингвистик хусусиятлари, таснифи, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғатларнинг яратилиши масаласи бўйича муайян илмий-назарий қарашлар шаклланган

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

### **1-машғулот. Вербал ассоциациялар таснифи.**

*Ассоциатив бирлик, вербал ассоциация, ассоциатив муносабат, ассоциатив майдон, стимул сўз, ассоциат, ассоциатив бирликлар таснифи тушунчаларига тавсиф бериш.*

Ассоциациялар таснифига доир назарий қарашларни таҳлил қилиш.

Вербал ассоциацияларнинг лингвистик белги асосидаги таснифини яратиш (ассоциатив майдон бирликлари мисолида).

Вербал ассоциацияларнинг экстралингвистик белги асосидаги таснифини яратиш (ассоциатив майдон бирликлари мисолида).

### **2-машғулот. Ассоциатив майдон назарияси**

Ассоциатив майдон тушунчасини тавсифлаш. Функционал-семантик майдон тушунчасига тавсиф бериш.

Ассоциатив майдоннинг таркибий қисмлари: ядро ва чегара қисм ҳақида маълумот бериш.

*Атлас* стимул сўзи ассоциатив майдонида индивидуал ва жамоавий характердаги ассоциатларни аниқлаш.

### **3-машғулот. Бадиий матннинг ассоциатив майдони**

Бадиий матннинг ассоциатив майдони масаласига доир назарий қарашларни таҳлил қилиш.

Вербал ассоциацияларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрнини аниқлаш. Бадиий матннинг ассоциатив майдони: ядро ва чегара қисмлар муносабатини белгилаш, ассоциатив муносабат, матннинг таянч бирликлари, матннинг ассоциатив майдони, майдон ядроси, майдоннинг чегара қисмини аниқлаш.

### **4 ва 5-машғулотлар. Ассоциатив тажриба методи. Ассоциатив тажриба натижаларининг таҳлили**

Ассоциатив тажриба методининг амалий аҳамиятини ёритиш.



Ассоциатив тажриба ўтказиш методикасини ёритиш.

Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил қилиш.

*Атала, бешиктўй* стимул сўзлари ассоциатив майдони бирликларини лингвистик таҳлил қилиш.

*Ассоциатив тажриба методи, эркин ассоциатив тажриба, боғли ассоциатив тажриба, йўналтирилган ассоциатив тажриба, стимул сўз, респондентлар, информантлар, синалувчилар тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш.*

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулотда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



### Намуна.

**Фикр:** “Ассоциатив бирликлар инсон тафаккурида гуруҳларга бирлашиб, ассоциатив майдонни ҳосил қилади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади.** Мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, билимларини текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини таҳлис қилиш мақсадида қўлланилади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга алоқадор тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчил мазкур тушунчаларнинг қандай маънони англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўз жавобини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Ассоциатив лингвистика” га оид таянч тушунчалар

Тушунчалар	Сизнингча, бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Ассоциатив бирликлар	Ассоциатив бирликлар - лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида инсон тафаккурида бир-бирини ёдга солувчи бирликлардир.	
Ассоциатив тажриба методи	Ассоциатив тажриба методи тил бирликлари ортида турган лисоний онг фаолияти, унда воқеълик образининг ҳосил бўлиши, олам манзарасининг турли маданиятлардаги қиёфаси, инсоннинг лисоний хотираси ва тафаккури фаолияти механизмининг амалий тажрибалар орқали ўрганишга имконият яратувчи методдир.	
Ассоциатив майдон	Бир-бирини ёдга солувчи ассоциатив бирликлар йиғиндиси <i>ассоциатив майдон</i> деб номланади.	
Ассоциатив майдон ядроси	Тил эгалари томонидан стимул сўзга энг кўп берилган жавоб реакциялари йиғиндиси ассоциатив майдон ядросини ташкил этади.	
Ассоциатив майдон чегараси	Ассоциатив майдоннинг тил эгалари томонидан стимул сўзга энг кам берилган жавоб реакциялари ўрин олган қисми майдон чегараси ҳисобланади.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар тушунгача оид шарҳларини қайд этадилар.

#### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчилар фаоллигини ошириш, эгалланган билимларни таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни тингловчиларни баҳолаш,

ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижа беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган тарқатма материаллари берилади. Шундан сўнг иштирокчилар топшириқни бажариб, тўғри жавобни тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилайдилар. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради, гуруҳ аъзолари топшириқ бўйича келишган ҳолда жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри жавоблар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Ассоциатив тажриба ўтказиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг.**

**Ўзингизни текшириб кўринг!**

Топшириқлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Сўров анкеталарини яратиш.					
Синалувчиларни белгилаш.					
Стимул сўзларни ажратиш.					
Ассоциатив тажриба турини белгилаш.					
Ассоциатив тажриба натижаларини умумлаштириш.					
Ассоциатив тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш.					

### III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

#### 1-мавзу. Ассоциатив муносабат, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, лингвистик моҳияти.

##### *Режа:*

1. Тил бирликларининг ассоциатив боғланиши. *Ассоциатив муносабат, вербал ассоциация* тушунчалари.
2. Тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши: лингвистик омил.
3. Ассоциациялар ҳосил бўлишининг экстралингвистик омили.

**Таянч тушунчалар:** *ассоциатив бирликассоциатив муносабат, вербал ассоциация, лингвистик омил, экстралингвистик омил*

Тилшуносликда тил бирликларининг ассоциатив муносабати, вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив бирликларнинг лингвистик хусусиятлари, таснифи, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғатларнинг яратилиши масаласи бўйича муайян илмий-назарий қарашлар шаклланган. Бугунги кунда ҳам бу йўналишда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг машҳур психолингвистлари: Ф.Гальтон, А.Тумб, К.Марб, Г.Кент, А.Розанов, Д.С.Палермо, М.Розенцвейг, Р.Вудвортс, Л.Постмэн, К.Нобл, Ж.Диз, Ж.Женкинс, Ф.Креймер, А.Р.Лурия, А.А.Леонтьев, Л.В.Сахарный, А.А.Залевская, Ю.Н.Карауловларнинг бу йўналишдаги ишларида тилга ассоциатив ёндашувнинг моҳияти, зарурати, *ассоциатив муносабат, ассоциатив маъно, вербал ассоциация, ассоциатив майдон, матннинг ассоциатив майдони, лисоний онг, лисоний хотира, инсон лексикони* тушунчалари, ассоциатив тажриба методи, ассоциатив луғатларнинг тузилиши, аҳамияти каби масалалар бўйича қимматли илмий қарашлар баён этилган.

Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг ассоциатив алоқаси, тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши муаммоси монографик аспектда махсус ўрганилмаган бўлса-да, айрим ишларда бу масалаларга муносабат билдириб ўтилган. Хусусан, профессор А.Нурмоновнинг «Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари» номли ўқув қўлланмасида швейцариялик олим Ф.де Соссюрнинг ассоциатив муносабат ҳақидаги қарашлари умумлаштирилган, ассоциатив муносабатнинг моҳияти, синтагматик муносабатдан фарқи кўрсатиб берилган.

Олимнинг қайд этишича, «онгимизда ҳосил бўлган ассоциатив гуруҳлар маълум умумий белгисига эга бўлган муносабат аъзоларининг яқинлашуви билан чегараланмайди. Онг ҳар бир муносабатда муносабат аъзоларини

боғловчилар характерини ҳам камраб олади. Натижада нечта ассоциатив қатор бўлса, шунча фарқли муносабатни ҳосил қилади. Масалан, ўзакдошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи, қўшимчадошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи. Бундан ташқари ассоциация фақат ифодаланмиш ўхшашлиги асосида ёки акустик образлар умумийлиги асосида ёки фақат шакл, ё мазмун асосида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай сўз ўзи билан ассоциация муносабатида бўлиши мумкин бўлган сўзни доимо эсга солади».<sup>1</sup> А.Нурмоновнинг «Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати» номли мақоласида ҳам Ф.де Соссюрнинг ассоциатив муносабатга доир қарашлари таҳлил этилган.<sup>2</sup>

И.Азимованинг «Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи» номли номзодлик ишида публицистик матнни ҳосил қилувчи ассоциациялар таҳлил қилинган. Тадқиқотда матнни эшитиш ва ўқишда сўзларнинг эслаб қолиниши даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба асосида реципиентларнинг стимул матн таъсирида юзага келган ассоциациялари ўрганилган. Олима стимул матн таъсирида қуйидаги вазиятларда ассоциацияларнинг юзага келишини кўрсатган: «1. Реципиент сўзнинг маъносини яхши тушунган, бироқ шаклини эслаб қола олмаган. Бу сўзга маъно ёки шакл жиҳатдан яқинроқ бўлган сўзларнинг парадигматик ассоциациялари ҳосил бўлган. 2. Реципиент матндан бирор сўз ё бирикмани эслаб қолган. Бироқ бу сўз иштирок этган гапни тўлиқ тушунмаган. Шунда эслаб қолинган сўз ё бирикма синтагматик ассоциацияларни ҳосил қилган. 3. Матндаги бирор сўз ё бирикмага боғлиқ бўлмаган, бироқ, одатда, публицистик услубда қўлланадиган сўзлар ҳам эслаб қолинган сўз сифатида ёзилган».<sup>3</sup>

Шунингдек, ишда реципиентларда ассоциацияларнинг юзага келиши стимул матн мавзуси, услуби, акустикаси билан боғлиқ бўлиши, сўзлардаги товуш ёки қўшимчалар таъсирида ҳосил бўлиши ҳам қайд этилиб, сема асосида парадигматик ассоциацияларнинг, услуб асосида ҳам парадигматик, ҳам синтагматик ассоциацияларнинг, акустика асосида эса талаффуз жиҳатидан стимул матнга хос бўлган сўзларга яқин турадиган ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши; сема асосида пайдо бўладиган ассоциациялар матндаги сўзнинг маъносидан келиб чиқса, услуб асосидаги ассоциациялар матннинг умумий мазмунидан келиб чиқиши ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.<sup>4</sup>

И.Азимованинг мазкур тадқиқотида газета матнларини тушуниш, идрок этиш жараёнида ҳосил бўлган ассоциацияларни таҳлил этиш мақсад қилиб

---

<sup>1</sup> Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 58-59.

<sup>2</sup> Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – Б. 98-99.

<sup>3</sup> Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – Б. 39.

<sup>4</sup> Азимова И. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 65-75.

белгилангани боис, унда ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши, инсон хотирасида бир-бирига боғлиқ ҳолда тикланиши, бунинг ички ва ташқи омиллари масаласи таҳлилига алоҳида эътибор қаратилмаган.

Д.Худойберганованинг «Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ талқини» мавзуидаги докторлик ишида бадиий матнда қўлланган ассоциатив бирликларга муносабат билдириб ўтилган. Тадқиқотда синонимик, омонимик, антонимик қаторларни ташкил қилган айрим сўзларда ассоциатив муносабатнинг намоён бўлиши масаласи таҳлил қилинган, ассоциатив тафаккур тилининг нафақат лексик сатҳида, бошқа сатҳларида ҳам амал қилиши асослаб берилган. Олиманинг фикрича, *совуқ*, *илиқ*, *тарқоқ*, *сайлов* каби ясама от ва сифатлар эсга тушганида уларнинг ясалиш асоси бўлган феъллар ҳам хотирага келади. Масалан, *совуқ* – *совимоқ*, *илиқ* – *илимоқ*, *сайлов* – *сайламоқ*, *тарқоқ* – *тарқамоқ* кабилар.<sup>1</sup>

Шунингдек, ишда ассоциатив фикрлаш бўйича ўтказилган тажриба асосида *таом* – *палов*, *миллий кийим* – *атлас/тўн*, *бош кийим* – *дўппи* жуфтликларида ассоциатив фикрлашнинг миллий; *йиртқич ҳайвон* – *шер*, *планета* – *Марс*, *иссиқ* – *ёз* каби жуфтликларда ассоциатив фикрлашнинг умумий семантик хусусиятлари намоён бўлиши ҳақида қизиқарли хулосалар берилган.<sup>2</sup> Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда ҳам бадиий матндаги ассоциатив бирликлар таҳлили билан чегараланилган.

Ш.Искандарова, Н.Ҳошимоваларнинг «Нутқ жараёнида ассоциацияларнинг воқеланиши» деб номланган мақоласида сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтлиги гапда бир бутун мазмуний ва грамматик бирикувни ташкил этиши, кучсиз ассоциатив жуфтлик парчаланиб, гапнинг турли мазмуний гуруҳларига бирикуви ҳақида фикр юритилган ва бу масалага оид мавжуд қарашлар қўллаб-қувватланган. Муаллифларнинг фикрича, «*Истеъдодли рассом қизиқарли расм чизяпти*» гапида *истеъдодли* сўзи *рассом* сўзи билан, *қизиқарли расм* атрибутив бирикмаси *чизяпти* сўзи билан ва *қизиқарли* сўзи *расм* сўзи билан ўзаро зич боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қилган. Сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтликлари гапда мазмуний ва грамматик бирикувни ташкил қилган, ассоциацияларнинг маъноси предикатив жуфтлик ва номинатив гуруҳ таркибида кўринади.<sup>3</sup>

Бизнингча, берилган гап қурилиши учун *рассом* лексемаси билан боғлиқ ассоциациялар таянч бирлик вазифасини ўтаган. Бошқача айтганда, гапдаги ассоциатив бирликлар *рассом* лексемаси атрофида бирлашган. *Рассом* лексемаси билан ассоциатив боғланишдаги энг кучли аъзо аввало *расм* лексемаси ҳисобланади. Негаки *рассом* лексемаси кўпчилик тил эгалари хотирасида дастлаб *расм* лексемасини тиклайди. Демак, *расм* ассоциациясининг *рассом* лексемаси билан ассоциатив алоқаси кучли. Аммо *рассом* – *расм* (берилган гапда *қизиқарли расм*) ассоциатив жуфтлиги

<sup>1</sup> Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2015. - Б.122.

<sup>2</sup> Худойберганова Д. Кўрсатилган тадқиқот. - Б.124.

<sup>3</sup> Искандарова Ш., Ҳошимова Н. Нутқ жараёнида ассоциацияларнинг воқеланиши // АнДУ. Илмий хабарлар. - Андижон, 2010. - № 2. - Б.85-88.

грамматик бирикувни ҳосил қилмайди. Аксинча, *рассом – истеъдодли, рассом – чизяпти* ассоциатив жуфтликлари мазмуний ва грамматик бирикувни юзага келтиради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтликлари ҳар доим ҳам грамматик бирикувни ҳосил қилавермайди.

Мақола муаллифларининг ассоциатив муносабатларнинг ўзига хос томонини ёритишда лексик бирликларнинг синтагматик хусусиятлари билан бир қаторда, уларнинг валентлик имкониятлари ҳам юзага чиқиши ҳақидаги хулосалари ўринли. Дарҳақиқат, ассоциатив бирликларда тил бирликларининг валентик имкониятлари ҳам воқеланади. Масалан, *чизмоқ* лексемасининг объект валентлиги *чизди – расм* жуфтлигида реаллашади.

Н.Ҳошимованинг “Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций” деб номланган мақоласида ассоциацияларнинг индивидуаллик хусусиятлари ва уларни аниқлашга прагматик ёндашув масаласи таҳлил қилинган. Тадқиқотчи индивидуал ассоциацияларни юзага келтирувчи ташқи ва ички омиллар ҳақида фикр юритган. Унинг қайд этишича, ташқи омилларга тил эгаларининг миллати, ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, касби каби омиллар киради. Шунингдек, воқеликнинг ҳар бир инсон томонидан турлича идрок этилиши, сўз билан боғлиқ ҳолда орттирилган билим, инсоннинг репрезентатив тизими, сўз маъноси ва у ҳақида инсонда шаклланган тушунча каби ички омиллар ҳам индивидуал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.<sup>1</sup> Албатта, ассоциатив майдонда ўзига хос индивидуал ассоциациялар ҳам учрайди. Бундай ассоциациялар нафақат турли тилларда, балки бир тил доирасида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Индивидуал ассоциацияларни ўзбек тили материаллари асосида миллий-маданий, гендер, ижтимоийлик ва бошқа омиллар билан боғлиқ тарзда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши муаммосига қиёсий аспектда ҳам муносабат билдирилган. Рус олимаси А.А.Залевская докторлик ишида рус, қозоқ, қирғиз, ўзбек тилларидаги 111 та сўз-коррелят (эквивалент) мисолида бу тилларга хос лексик ассоциацияларни қиёсан ўрганиб, мазкур масала бўйича хулосаларини эълон қилган.<sup>2</sup>

А.А.Залевскаянинг инглиз, немис, француз, украин, белорус, қирғиз, қозоқ, ўзбек тилларидаги лексик ассоциацияларнинг қиёсий таҳлиliga оид мақоласида эса туркий тилларда сўзлашувчи информантларда лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш жараёни туркий тил – рус тили икки тилиги шароитида русларникига эмас, америкаликларникига ўхшашлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Хошимова Н.А. Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций // Вестник МГОУ. Серия «Русская филология». 2011. - № 6. – С. 91-93.

<sup>2</sup> Залевская А.А. Психолингвистическое исследование принципов организации лексикона человека (на материале межъязыкового сопоставления результатов ассоциативных экспериментов): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - М., 1980. – 32 с.

<sup>3</sup> Залевская А.А. Ассоциативный эксперимент в условиях билингвизма и трилингвизма // Материалы второго симпозиума по психолингвистике. – М., 1968. - С. 12.



А.А. Залевская 9 та тил: инглиз, немис, француз, поляк, словак, рус, козоқ, қирғиз, ўзбек тиллари бўйича ўтказган ассоциатив тажрибалари асосида бу тилларга оид лингвомаданий хусусиятларни ҳам қиёсан таҳлил қилган.<sup>1</sup>

Ўзбек тилида лексик бирликларнинг ассоциатив боғланиши, ассоциацияларнинг хусусиятлари муаммосига муносабат билдирилган мана шу ишларни истисно этганда, бугунги кунда ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлиш механизмлари, вербал ассоциацияларнинг тил эгаларининг менталитети, миллий-маданий қарашлари билан боғланиши, гендер белгиси, ижтимоийлик хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқи, ўзбек тили материаллари асосида ассоциатив луғатларни яратиш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ташқи оламнинг вербал ифодаси ва бунда **воқелик – онг – тил** учлиги муносабатининг таҳлилида куйидаги муҳим жиҳатга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Ташқи оламдаги воқеликлар инсон онгида улар билан бевосита алоқадор бўлган макон, замон, сабаб, мақсад каби омиллардан ажралган ҳолда акс этмайди. Муайян воқеликнинг объектив мавжуд бўлиш шарти сифатида ёнма-ён юрувчи бундай омиллар инсон онгида воқелик образининг ҳамроҳлари сифатида бирга гавдаланиб, у билан ассоциатив боғланган «занжир»ни ҳосил қилади.

Ташқи олам инсон онгида бир-бири билан алоқадор турли объектлар, воқеа-ҳодисалар ҳамроҳлигида акс этгани боис улар ассоциатив тарзда бири иккинчисини ёдга туширади. Нафақат ташқи оламдаги объектлар, балки инсоннинг биргаликда ва бир вақтда бошидан кечирган турли кечинмалари ҳам *алоқадорлик* тамойили асосида бир-бирини эслатиб туради. М.Веттлер ва Р.Раппнинг қайд этишича, «бир вақтлар биргаликда ҳис қилинган объектлар қоидага кўра хаёлан бир-бирига боғлиқ объектларга айланади. Шу боис улардан бири ҳақидаги ўй, табиийки, бошқаси ҳақида ҳам аввалгидек биринкетинлик ёки бирга мавжуд бўлишлик тартибида ўй суришга олиб келади».<sup>2</sup> Бу жиҳатдан қараганда, онгда акс этган ассоциатив алоқаларнинг тилда ҳам ифода топиши бежиз эмас.

Турли воқеликларнинг онгда акс этган ассоциатив алоқаси тилда ҳам бир-бирини эслатувчи бирликларнинг ассоциатив боғланишини юзага келтиради. Масалан, дарахтнинг ўсиши учун тупроқ, сув кабилар зарур; дарахт ўрмон, боғ, майдонда ўсади. Дарахтнинг тупроқ, сув, боғ кабилар билан алоқаси инсон хотирасида *дарахт* лексемаси орқали *тупроқ, сув, ўрмон, боғ, майдон* лексемаларнинг ёдга тушишига сабабчи бўлади. Тил бирликларининг инсон психологик тасаввури билан боғлиқ тарзда бир-бири билан бу тарзда муносабатга киришуви **ассоциатив муносабат** дейилади. Атоқли тилшунос А.Нурмонов қайд этганларидек, «...лисоний бирликлар

<sup>1</sup> Залевская А.А. Межъязыковые сопоставления в психолингвистике: Учебное пособие. - Калинин: КГУ, 1979. - 84 с.

<sup>2</sup> Wettler Manfred & Rapp Reinhard. Computation of word associations based on the cooccurrence of words in large corporations. [http://www.fask.unimainz.de /user/rapp/wvlc93/latex2html/wvlc93.html] 1996. Accessed 03/19/2002.

нутқ жараёнидан ташқари ўзаро қандайдир умумий белги асосида хотирада муайян гуруҳларга бирлашиб туради. Масалан, *таълим сўзи* онгда *мактаб, китоб, муаллим* сингари бир қанча сўзлар билан боғланиб туради. Бундай муносабатнинг синтагматик муносабатдан тамомила бошқача хусусиятга эгаллигини кўриш қийин эмас. Кейинги муносабат чўзиқликка эга эмас, у мияда локаллашади ва ҳар бир шахснинг хотирасида сақланувчи хазинага мансуб бўлади. Бундай муносабат ассоциатив муносабат ҳисобланади».<sup>1</sup>

Тилшуносликда баъзан *ассоциатив муносабат* ва *парадигматик муносабат* терминларининг муқобил ҳолатда қўлланиши кузатилади. Жумладан, Т.Бушуй, Ш.Сафаровлар тил бирликлари орасидаги муносабатларни анъанавий тарзда синтагматик, парадигматик ва иерархик муносабатга ажратган ҳолда, парадигматик муносабатга қуйидагича таъриф берадилар: “*Ассоциатив ёки парадигматик муносабатлар* бирликларнинг айрим хусусиятлари умумийлиги ёки ўхшашлиги асосида муайян гуруҳларга бўлиниб, муносабатга киришувидир”.<sup>2</sup> Кўринадикки, олимлар Ф.де Соссюр изидан бориб, *ассоциатив муносабат* терминини *парадигматик муносабат* термини билан параллел қўллайдилар.

*Ассоциатив муносабат* бир ёки бир неча сатҳ бирликларининг турли омиллар билан боғлиқ ҳолда инсон тафаккурида ассоциатив боғланишини акс эттиради. Бир тил эгасида бирор тил белгисига нисбатан ҳосил бўлган ассоциация бошқа тил эгасида юзага келган ассоциациядан фарқланади. *Парадигматик муносабат* эса бир сатҳга мансуб тил бирликларининг умумий белгиси асосида муайян гуруҳларга (семантик, грамматик турларга) бирлашувини акс эттиради. Инсон хотирасидан ўрин олган парадигматик муносабатдаги гуруҳлар ҳар бир тил эгасида фарқ қилмайди. Бу жиҳатдан ёндашилса, *ассоциатив муносабат* ва *парадигматик муносабат* терминларини муқобил терминлар сифатида қўллаш ўзини окламайди.

Бу ўринда тил бирликлари ўртасидаги ассоциатив муносабатни психик элементлар ассоциациясидан фарқлаш ҳам зарур. Айрим тилшунослар тилдаги ассоциацияни психик тузилмалар ассоциациясидан фарқлаш мақсадида уни «*вербал ассоциация*» (*вербал* – лот. *verbum*, яъни *сўз*) термини билан ифода этишни маъқул кўришади.<sup>3</sup> Лингвистик ассоциацияга нисбатан бу терминнинг қўлланиши, бизнингча ҳам, ўзини оклайди.

Дарҳақиқат, лингвистик ассоциация психологик ассоциациядан тубдан фарқ қилади. Лингвистик ассоциацияда тилда аниқ вербал ифодасига эга бўлган ва бир-бирини ёдга солиб турувчи икки ва ундан ортиқ воқелик, нарсалар-предмет, белги, ҳаракат-ҳолат ва ҳоказолар алоқаси акс этса; психологик ассоциация инсон онгида юзага келган бир-бирини кузатиб

---

<sup>1</sup> Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. III жилд. - Тошкент: Akademhashr, 2012. – Б. 98.

<sup>2</sup> Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент: Фан, 2007. – Б. 42.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Ермолова М.В. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С.137.

юрувчи психик элементлар (ғоялар, фикрлар, тасаввурлар, ҳис-туйғу ва бошқалар) муносабатини ифода этади.

Ғоялар ассоциацияси ҳақида фикр юритар экан, Ж.Локк бундай ассоциация кўпинча одамларда ўрганиш бўлиб қолган одатлар таъсирида юзага келади деб ҳисоблайди. У одамларда кузатиладиган ғоялар ассоциациясига уларга қаттиқ таъсир қилиб, доимо ўз натижасини кўрсатувчи хуш кўриш ва хуш кўрмаслик сабаб бўлишини қайд этади. Ж.Локк кўп асал еб қўйган одамнинг асални эшитиши дарҳол унинг ошқозонида оғриқ ва кўнгил айниши ҳиссини ҳосил қилиши, бу одам асал ҳақидаги тасаввурни қабул қила олмаслиги, бу тасаввур дарҳол бошқа тасаввурлар – кўнгил айнишлик, қусиш, ўзини ёмон ҳис қилишлик кабиларни юзага келтиришини ва бундай ассоциация хуш кўрмаслик (табиий бўлмаган антипатия) натижаси эканини баён қилади.<sup>1</sup>

Англашиладики, инсон онгида ҳосил бўлган бир-бирини эслатувчи психик тасаввур, ғоялар *психологик ассоциация* саналади. *Лингвистик ассоциациялар* (вербал ассоциациялар) ҳам тил эгасининг воқелик ҳақидаги психологик тасаввури асосида юзага келади, аммо бу тасаввур тилда бир-бири билан муайян белгисига кўра алоқада бўлган аниқ лисоний бирликлар орқали реаллашади. Лингвистик ассоциациялар психологик ассоциациялардан, аввало, лингвистик моҳият касб этишига кўра фарқ қилади. Қуйида лингвистик ассоциацияларга хос энг умумий белгилар хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, тилдаги маъноли бирликлар семантикаси, табиий равишда, ёндош маънолар (яқин, зид, ўхшаш маънолар) орқали очиб берилади. Масалан, *яхши* лексемасининг маъносига *ёмон* лексемасининг маъноси асосида аниқлик киритилади. Бу жараёнда тил бирлигининг ассоциатив маъноси муҳим ўрин тутаети. Лексеманинг ассоциатив маъноси лексик маъно каби сўз орқали реаллашади, бироқ лексик маъно лексемада ўз ифодасини топса, ассоциатив маъно тил эгалари лисоний онгида муайян лексик бирлик билан боғлиқ тарзда шаклланади. Ассоциатив маъно лексеманинг нафақат семантик жиҳати, грамматик шакли, интонацион хусусияти, сўз ясалиш структураси, услубий, диалектал белгиси каби лингвистик омиллар, балки экстралингвистик омиллар асосида ҳам ҳосил бўлади.

А.Залевскаянинг фикрича, *ассоциатив маъно* тушунчаси ўзига хос ички структурани, инсонда нутқ ва тафаккур орқали ўрнашувчи алоқа ва муносабатларнинг туб моделларини аниқлаш жараёнида шаклланди, “когнитив тузилма”лар асосида ассоциатив маъно тушунчаси ётади ва уни фақат сўзларнинг ассоциатив алоқаси таҳлили орқали аниқлаш мумкин бўлади.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Локк Ж. Опыт о человеческом разумении. В 4-х т. (Перевод с англ. А.Н.Савина). – М.: Мысль, 1985. – С. 452-453.

<sup>2</sup> Залевская А.А. Введение в психоллингвистику. – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 1999. – С.105.

Вербал ассоциациялар ҳар бир тил эгасида турлича шакллангани боис ассоциатив маъно ҳам индивидуал хусусият касб этади. Сўзнинг ассоциатив маъноси динамик характерда. Инсоннинг ташқи олам ҳақидаги билими ва тасаввурларининг ўзгариши, оламни қайта идрок этиши вербал ассоциацияларнинг ва у билан боғлиқ ассоциатив маънонинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, қаҳатчилик вақтида қора нон ҳақидаги тасаввур шу давр тил эгаларида *қаҳатчилик, этишмовчилик, йўқчилик* ассоциацияларини ҳосил қилган бўлса, бугунги тинч ва тўкин-сочин ҳаётимизда қора нон тил эгаларида *саломатлик, парҳез нон* ассоциацияларини юзага келтиради. Демак, оламнинг қайта идрок этилиши вербал ассоциациялар ва улар орқали англашилувчи ассоциатив маънога жиддий таъсир кўрсатади.

Вербал ассоциациялар таҳлилида *ассоциатив маъно* тушунчаси билан бир қаторда *ассоциациялар кўлами, ассоциацияларда миллий-маданийлик, ижтимоийлик, гендер белги* каби тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Маълумки, вербал ассоциацияларнинг кўлами тил эгаларида фарқланади. Вербал ассоциацияларнинг кўлами тил эгасининг лексик бирликлар захирасига боғлиқ. Болалар ва катталар, аёллар ва эркеклар, турли касб эгаларида вербал ассоциатив майдон кўлами, унинг таркиби турлича бўлади. Н.О.Золотованинг маълумотига қараганда, ассоциатив майдон ядросига мансуб юқори частотали бирликлар б ёшли бола луғат бойлигидан ўрин олиб улгурган бўлади. Бундай бирликлар кундалик нутқий фаолиятда қўлланиувчи инсон ва унинг тана аъзолари номлари, қариндошлик муносабатларини ифода этувчи номлар, коинот жисмлари, табиат ходисаларини англатувчи номлар, айрим ранг билдирувчи сўзлар, ҳаракат ва ҳолатни англатувчи сўзлар ва бошқалардир.<sup>1</sup> Албатта, бу хулоса болалар ва катталарда вербал ассоциацияларнинг кўлами бир хил бўлишини англатмайди. Ядро аъзолари энг кўп қўлланиладиган бирликлардан ташкил топгани боис болалар ва катталарда ўхшаш бўлиши тайин, аммо ассоциатив майдон кўлами тил эгаларининг лексик захирасига боғлиқ бўлади.

Вербал ассоциацияларнинг кўлами, мазмун мундарижаси аёл ва эркекларда ҳам фарқланади. Ўтказилган ассоциатив тажриба натижалари шуни кўрсатадики, аёлларда ҳиссий муносабат ифодаловчи ассоциациялар, ноадабий қатламга оид ўзига хос индивидуал қўлланишлар нисбатан кўп учрайди.

Шуниси қизиқки, бир объект бўйича турли миллат вакилларида бир-биридан фарқ қилувчи вербал ассоциацияларнинг юзага келиши кузатилади. Бу ҳолат турли тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари, қадриятлари, воқеликка муносабати кабилар билан боғлиқ. А.А.Залевская *нон* стимул сўзига руслар *туз*, французлар *вино*, немис ва америкаликлар *ёғ*, ўзбеклар *чай* жавоб реакциясини беришганини қайд этади. Бу ҳолат вербал ассоциацияларда миллий-маданий қарашлар акс этишини англатади.

---

<sup>1</sup> Золотова Н.О. «Картина мира» и ядро лексики носителя английского языка. // Проблемы семантики: психолингвистические исследования. - Тверь, 1991. - С. 42-43.

Вербал ассоциациялар ижтимоийлик белгиси асосида ҳам фарқланади. *Пахта* лексемаси деҳқон учун пахта даласини эслатса, тиббиёт ходимига боғлов хонаси (ёки муолажа хонаси)ни ёдига туширади. Мана шу тасаввур асосида *пахта – пахта даласи, пахта – боғлов хонаси* ассоциатив жуфтликлари юзага келади.

Вербал ассоциацияларга хос хусусиятлардан яна бири шуки, улар турли нутқий тузилмаларнинг яратилишига йўл очади. Бошқача айтганда, ҳар қандай нутқий тузилма учун ўзаро ассоциатив боғланган тил бирликлари (лексик, синтактик бирликлар) таянч бирликлар вазифасини ўтайди.

*Стимул сўз* (эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада бошқа бирликларнинг ёдга тушишига туртки берувчи сўз) + *жавоб реакцияси* (эшитилган ёки ўқилган сўзга жавоб реакцияси сифатида инсон хотирасида гавдаланадиган бирлик, *ассоциат*) моделидаги ассоциатив структура муайян вазият ифодаси учун хизмат қила олади. Масалан, *она* лексемасининг *мўътабар, азиз, меҳрибон* ассоциациялари асосида ҳосил бўлган ассоциатив структура «*Она мўътабар*», «*Она азиз*», «*Она меҳрибон*» гапларини юзага келтиради. Ёки *беламоқ* лексемаси билан ассоциатив боғланган *бешик, бола, чақалоқ, гўдак, фарзанд, она, тебратмоқ* каби лексемалар иштирокида нутқда «*Бола бешикка беланди*», «*Она чақалогини бешикка беледи*» ёки «*Она гўдагини бешикка беледи*» жумлаларини тузиш мумкин бўлади. Ассоциатив бирликлар ушбу жумлаларнинг қурилишида таянч бирликлар вазифасини ўтайди. Бироқ мазкур жумлаларни тузиш учун тил эгаси нафақат тилнинг грамматик қоидаларини билиши, балки бешик ҳақидаги миллий-маданий қадриятимиздан ҳам хабардор бўлиши лозим.

Баъзи нутқий тузилмаларнинг шаклланишида синтактик ассоциациялар (сўз бирикмаси ва гаплар) тайёр қурилиш материали сифатида қатнашади. Жумладан, тил эгаси лисоний заҳирасида ўрнашган мақол, матал каби прецедент бирликлар йирик нутқий тузилмаларни тузишда иштирок этади. Масалан, *бола* лексемаси билан боғлиқ ҳолда тил эгаси хотирасида тикланган «*Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор*» мақоли нутқий акт жараёнида бевосита лисоний заҳирадан олинади. Шунингдек, *мовий осмон, темир интизом, қиш чилласи, эрта тонг* каби сўз бирикмалари ҳам тил эгалари томонидан асосан шу шаклда қўлланиб, уларнинг хотирасида ўрнашиб қолгани боис нутқ жараёнида лисоний заҳирадан тайёр ҳолда олинади. Демак, ассоциатив муносабатдаги лексик, синтактик бирликлар нутқий тузилмалар учун қурилиш материали вазифасини ўтайди. Рус тилшуноси Ю.Н.Карауловнинг фикрича, «Ҳар қандай сўз бизнинг онгимизда, хотирамизда, худди шундай нутқий тузилмаларимизда ҳам алоҳида тарзда мавжуд бўлмайди: у ўнлаб, юзлаб «иплар» орқали бошқа сўзларга томон интилади. Ҳар қандай сўз, айтиш мумкинки, «давом эттирилиш»ни талаб қилади, ўз жуфтини қидиради», «икки сўз модели»га айланишни хоҳлайди. Бу тарздаги «давом эттирилиш» имконияти, бу каби икки сўз модели – типик ҳол бўлиб, тил эгаси томонидан осон талаффуз этилади, ҳақиқатга яқин ва тушунарли бўлиб, ассоциатив луғатларда ҳам қайд этилади. Шунга кўра ҳар бир стимул – реакция жуфтлиги ҳали тугалланмаган жумла, унинг

зарур таркибий қисми ё грамматик жиҳатдан шаклланган бўлаги ёки тугалланган шаклга келтириш лозим бўлган бўлажак жумланинг ядросидир».<sup>1</sup> Албатта, бирор бир лексик бирликнинг эшитилиши (ёки ўқилиши) билан хотирамизда бошқасининг тикланиши лексемаларнинг лисоний онгимизда «ёлғиз яшамаслиги»дан далолат беради. Лисоний онгда «бирга яшовчи» бу бирликлар нутқий тузилмаларни шакллантирувчи таянч бирликлар саналади. Бироқ бу ўринда шуни қайд этиш жоизки, ҳар бир *стимул сўз – жавоб реакцияси* жуфтлиги ҳар доим ҳам нутқий тузилма учун қурилиш материали вазифасини адо этавермайди. Бу ўринда мантиқий-семантик жиҳатдан боғланган ассоциатив жуфтликлар ҳақида гапириш ўринли. Негаки ассоциатив майдон таркибида синалувчилар томонидан сунъий тарзда ҳосил қилинган ёки стимул сўзнинг фақат фонетик структураси ёки талаффузи асосида ҳосил қилинган, стимул сўз билан бирор бир жиҳатдан боғланмайдиган, нутқий тузилмаларни шакллантиришда иштирок этмайдиган ассоциациялар ҳам учраб туради.

Тилда ассоциатив бирликлар, хусусан, лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Ҳар қандай лексик бирлик, у қандай грамматик шаклга ёки қандай маънога эга бўлмасин, инсон хотирасида турли омилларга боғлиқ ҳолда қандайдир лексик бирликлар ёки бошқа сатҳ бирликларини ёдга туширади, улар билан ассоциатив боғланади. Профессор А.Нурмонов лексик ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини лексемаларга хос умумий белги билан боғлайди. Олимнинг фикрича, «сўз синтагматик муносабатга кириши билан бирга нутқий жараёндан ташқарида бошқа сўзлар билан умумийлик белгисига кўра сўзловчи тил хотирасида ассоциациялашади ва бу ассоциациялашган бирликлар хотирада муайян гуруҳларни ҳосил қилади».<sup>2</sup> Дарҳақиқат, тилдаги лексик бирликлар семантик, структур, деривацион, коннотатив, акустик каби қатор белгилари асосида умумийликка бирлашиши мумкин. Бу каби умумий белгилар кўплаб лексик ассоциацияларда кузатилади ва улар тил эгалари хотирасида муайян гуруҳларга бирлашган ҳолда ўринлашади.

Ўтказилган ассоциатив тажрибаларда баъзан лексема маъносини тушунмай, сунъий тарзда ҳосил қилинган *чаён – ёввойи ҳайвон, маориф – одамлар йиғилиши* тарзидаги жуфтликлар ҳам кузатиладики, бундай жуфтликларда стимул сўз ва ассоциат ўртасида юқорида қайд этилган умумийлик кузатилмайди. Бундай ассоциацияларда мантиқий-семантик алоқа ҳам мавжуд эмас. Тил эгасининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этиши асосида (экстралингвистик омил) ҳосил бўлган *мастава – жонга теккан, ширинлик – жони дилим* жуфтликларида ҳам стимул сўз ва ассоциат ўртасида умумий лингвистик белги акс этмайди. Бундай

<sup>1</sup> Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.

<sup>2</sup> Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув кўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 58.

ассоциациялар жамоавий характерга эга эмас, улар тил эгалари хотирасида ассоциатив гуруҳларга бирлашмайди.

Шуниси характерлики, баъзи лексик бирликларнинг семантик компонентлари орқали ҳам вербал ассоциациялар юзага келади. Бу ўринда семантик ва ассоциатив компонентлар бирлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бироқ лексемаларнинг ассоциатив боғланишини уларнинг семантик тузилиши билан чегаралаш ярамайди. Муайян лексема бошқа лексема билан бир вақтда ҳам ассоциатив, ҳам семантик муносабатга кириша олади. Бироқ лексемаларнинг ассоциатив ва семантик боғланишидаги асосий фарқ шундаки, ассоциатив муносабат икки лексеманинг нутқда юқори даражада бирга қўлланишини таъминлайди, семантик боғланиш эса лексемаларнинг умумий семаси асосида бир гуруҳга бирлашувига сабаб бўлса-да, уларнинг ҳар доим ҳам нутқда бирга қўлланишига олиб келмайди.

Тилшунослар тилда вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишини турли омиллар билан боғлашади. Е.И.Горошко, Л.Э.Кузнецоваларнинг фикрича, ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига: 1) лингвистик омил (стимул сўзнинг муайян хусусиятлари); 2) прагматик омил (синалувчи “шахси”) таъсир кўрсатади. Ҳар икки олма ҳам бу омиллар қаторига тажриба ўтказиш шарт-шароити омилини ҳам қўшиш лозимлигини тавсия этадилар.<sup>1</sup>

Бизнингча, синалувчи “шахси” таъсири ҳамда тажриба ўтказиш шарт-шароити омилини моҳиятан экстралингвистик омилга бирлаштирган маъқул. Масалага бу жиҳатдан ёндашилса, ассоциатив жуфтликларнинг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи омилларни лингвистик ва экстралингвистик омилларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин бўлади.

Хуллас, тилдаги вербал ассоциациялар асосида инсоннинг ташқи олам ҳақидаги психологик тасавури ётади. Вербал ассоциацияларнинг лингвистик омилларга боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган кўринишлари тил бирликлари ўртасидаги алоқа-боғланишларга асосланса, экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келган турларида ташқи оламдаги ранг-баранг муносабатлар, миллий-маданий қадриятлар тил эгаларининг воқелик ҳақидаги тасаввурлари, дунёқараши ва бошқалар ўз аксини топади.

---

<sup>1</sup> Горошко Е.И. Описание механизмов ассоциирования и проблема классификации реакции // Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента // [www.textologu.ru](http://www.textologu.ru); Кузнецова Л.Э. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. ... канд. филол. нук. – Краснодар, 2005. <http://31f.ru/dissertation/page>

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 1 - амалий машғулот. Вербал ассоциациялар таснифи

### Режа:

1. Ассоциациялар таснифига доир назарий қарашларни таҳлил қилиш.
2. Вербал ассоциацияларнинг лингвистик белги асосидаги таснифини яратиш (ассоциатив майдон бирликлари мисолида).
3. Вербал ассоциацияларнинг экстралингвистик белги асосидаги таснифини яратиш (ассоциатив майдон бирликлари мисолида).

**Таянч тушунчалар:** *ассоциатив бирлик, вербал ассоциация, ассоциатив муносабат, ассоциатив майдон, стимул сўз, ассоциат, ассоциатив бирликлар таснифи*

## ТОПШИРИҚЛАР

I. Ассоциациялар таснифига доир назарий қарашлар ҳақида маълумот беринг.

II. Ўзбек тилида лексик ассоциацияларнинг қуйидаги лингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўлишига мисоллар келтиринг:

1. Лексемаларнинг семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги.
2. Лексемаларнинг лексик-грамматик белгисига кўра алоқаси.
3. Лексемаларнинг услубий белгисига кўра алоқаси.
4. Лексемалар прагматик белгисининг муштараклиги.
5. Лексемаларнинг ясалишидаги умумийлик.
6. Лексемаларнинг талаффузда ҳамоҳанглиги.
7. Лексемаларнинг диалектал белгисига кўра боғлиқлиги.
8. Лексемалар миллий-маданий белгисининг муштараклиги.
9. Лексемаларнинг ижтимоийлик белгисига кўра яқинлиги.
10. Лексемаларнинг гендер белгисига кўра алоқаси.

III. Вербал ассоциацияларнинг экстралингвистик белги асосидаги қуйидаги турларига мисоллар келтиринг.

1. Предметларнинг<sup>1</sup> макондаги алоқадорлиги.
2. Предметларнинг замондаги алоқадорлиги.
3. Предмет ва унинг белгиси муносабати.
4. Товуш ва унинг эгаси муносабати.
5. Инсоннинг воқеликка муносабати.
6. Фаолият ва унинг объекти алоқадорлиги.
7. Фаолият эгаси ва унинг маҳсулоти алоқадорлиги.

---

<sup>1</sup> Предмет – кенг маънода.



8. Предметларнинг ўхшашлик белгиси.
9. Предметларнинг эгалик, тегишлилик, мансублик белгиси.
10. Предметлар орасидаги сабаб-натига муносабати.
11. Предметларнинг ҳаётий зарурият белгиси.

IV. *Айрон* стимул сўзининг ассоциатив майдони асосида вербал ассоциацияларнинг лингвистик белги асосидаги таснифини яратинг.

**АҲҲОН:** ичимлик 66; қатиқ 34; сут 21; сузма 14; ёз 8; оқлик 7; лаззат 5; муздек 5; совуқ 5; оппоқ 4; чакки 4; райҳон 3; муз 3; чалоп 3; чанқоқ 3; аччиқ 2; бакалашка 2; болалар 2; иссиқ 2; кўкатлар 2; коса 2; мацца 2; минерал сув 2; олма 2; сув 2; суюқлик 2; тушлик 2; ялтиз 2; ёз фасли 2; шарбат 2; чанқаш 2; чанқоқбосди 2; чаккининг суюқ ҳолати 2; чўпонлар 2; ака-укаларим, айрон, “Айрон жазирама ёз кунлари ичилади”, “Айрон музлатиб ичилса, жудаям мазали бўлади”, “Айрон ош бўлмас, нодон бош бўлмас”, “Айрон ошқозонда йигилиб қолган ёғларни эритади”, “Айрон ошқозон-ичак касалликларининг яхши давоси бўла олади”, “Айрон сўраб келгандан челагингни қизганма”, “Айрон ёзнинг иссиқ кунларида ичилса, мацца!” “Айрон шеваларда турлича аталади”, айрон шимириши, айрон шопириши, айрон челақ, “Айрончи қиз” қўшиғи, “Айронни яхши кўрмайдиган одам топилмаса керак”, “Айроннинг ичига бодринг, райҳон солинса, мазали бўлади”, Айронтепа, аччиқ таъм, банка, бемор кишилар, бир коса, “Бизда “чалоп” дейилади”, “Бизнинг шевада “чалоп”, бобомлар, бочка, бодринг, бозор, бог, бош оғриғи, “Бош оғриганда ичилса ҳам, яхши фойда беради”, “Бошдан кун ўтмаслиғи учун тез-тез ичиб туриши тавсия этилади”, бошқача таъм, бувим, бувимнинг айрондан сариёғ олаётган ҳолати, бувимнинг илгаги, бузоқ, бузоқча, буздой пишган палла, буздой, бўз, “Дадам билан акам жуда яхши кўришади”, “Дадам минерал газ сувда қилишимизни хоҳлайдилар”, дадам, дала, дарахт танасида осилиб турган бўз халта, дармондориди, деҳқонлар, эчки сути, эчки, “Энг кўп ёзда истеъмол қилинади”, энг яхши чанқоқбосди, фойдали, газли сув, гуллар, гуппи, гуруч, “Ҳам таом, ҳам ичимлик”, ҳар томонлама фойдали, “Ҳашарларда тушликда овқатдан олдин тортилади”, ҳордиқ чиқариши, ҳордиқ, ҳовли, ҳушбўй ҳид, ифторлик, иссиқ ҳаво, иссиқ кун, иссиқ кунлар, “Иссиқ кунларда танани яхлатади”, иссиқ кўча, иссиқ уриб қолишидан сақловчи, иссиқ ёз, иссиқ ёз кунлари, “Иссиқда бир косагина айрон – жоннинг роҳати”, иссиқда ичиладиган ичимлик, “Иссиқдан келган одамга беришади”, истеъмолчилар, “Иштаҳа бўлмай қолганда ичилса, иштаҳани очади”, иштаҳа очувчи, “Ичганда танага ҳузур бағишлайди”, жазирама иссиқ, жазирама, Жиззах йўллари, жоннинг роҳати, жуда фойдали, жудаям муздай, катта товоқ, келинойим,

кострулка, “Кўча ва бозорларда сотиб юришади”, кран суви, курсдошлар, кувача, куви, куви пишираётган аёл, лаззатли, “Маҳаллада дув-дув гап” фильми, маҳаллий аҳоли, маҳсулот, мастлик, майсазор, мазали, мазали ичимлик, мазали таъм, мазали ва чанқоқбосди, мазза қилиб ичиладиган ичимлик, меҳмон, муқаддас инъом, мурч, муз бўлакчалари, муздай ичимлик, муздай, муздек айрон, муздек булоқ суви, муздек ичимлик, муздек сув, муздеккина, музлатгич, нон, нордон таъм, Нуриддин Ҳайдаровнинг “Айрончи қиз” қўшиғи, об-ҳавонинг иссиқлиги, офтоб, “Офтоб ўтмаслиги учун ичилади”, “Офтоб олган одамларга беришади”, “Офтоб урган одамга биринчи бўлиб муздек қилиб айрон ичирилса, тезда ичидаги иссигини олади”, “Офтоб урганда айрон ичиши тавсия қилинади”, оила аъзоларим, оила давраси, оилам, окрошка, онам, опам, оқ, оқ рангли, оқ тоғора, оқдан тўқроқ, от сути, отам, ота-онам, овқат, ойим, “Ошқозон фаолиятини яхшилайти”, пиёз, пишлоқ, помидор, помидор салат, қадимий яхна ичимлик, қалампир, қариндошлар, қатиқ ва қайнатилган сув, “Қатиқ ва сувдан тайёрланади”, “Қатиқ ёгини ажратиб олиб, қолган қисмини “айрон” деб аташади”, қатиқ ёки чаккининг сув қўшиб, суюқ ҳолда берилиши, “Қатиқдан қилинади”, “Қатиқдан тайёрланади”, қатиқни суюлтириб, унга туз, помидор, бодринг, кўкатлар қўшиб тайёрланадиган ичимлик, қатиққа сув қўшиб, шопириб тайёрланадиган ичимлик, қаймоқ, “Қашиқадарё ва Сурхондарёда “чалоб” дейилади”, қир-адирлар, қизиб турган тананинг совуши, қишлоқ, қишлоғим, қозоқ ўтови, қошиқ, қурт, қурут, қувват, қуёш иссиғи, қуёш қизитиб турган палла, қуюқ, қўй, қўй-қўзилар, “Райҳон барғи, олма солинган муздеккина айрон ёзда жуда ёқимли”, райҳон қўшиб тайёрланадиган ичимлик, “Райҳон қўшиб тайёрланадиган муздек айрон жонга оро беради”, райҳонли, роҳат, роҳатбахш ичимлик, роҳати дил, роҳати жон, рўза ойи, сабзавотлар, салқин ҳолда ичиши, салқин ичимлик, салқингина, Самарқанддан Тошкентга келишидаги йўл, саратон, сариқ мой, сариқдан очроқ рангли, сарёғ, саёҳат, сигир, сигир қатиғи, сигир соғувчи, сигир сути, сигир-бузоқ, сигирлар, Сирдарё гўжаси, “Сотар эди йўлда бир қиз айронгина...”, “Сотувчи аёл ерга тушиб кетган муз бўлагини айроннинг ичига солиб юборганини кўрганман, ўшандан бери айрон сотиб олиб ичмайман”, совуқ айрон, соя-салқин жой, соғломлик, супа, “Сурхондарё ва Қашиқадарё тарафларда “чалоп” дейишади”, сут маҳсулоти, сутнинг ивтилгани, суюқ ичимлик, суюқ таом, “Сузма сув билан аралаштирилиб суюқлаштирилади, ичига помидор, бодринг ва ҳар хил кўкатлар солинса, мазали ичимликка айланади”, сузмадан тайёрланадиган ичимлик, сузмадан тайёрланадиган яхна ичимлик, сузмага сув қўшиб тайёрланадиган ичимлик, табиий ичимлик, тан роҳати, “Танангизга роҳат бағишлайди”, тандирхона, тетиклаштирувчи, тешик

халта, товоқ, тозалик, тоғ, тоғли йўллар, тоғ-у тошлар, турли кўкатлар, турли хил кўкатлар, тут сояси, тухумбарак, туя, туз, тушлик вақти, тўйимли ичимлик, тўйимли, укам, ун, уй, уйимиз, витаминга бой ичимлик, витаминларга бой ичимлик, халта, “Хоразмда айронни кувиди қилишади”, хушбўй таъм, хушбўй, хушкайфият, хуштаъм, ям-яшил барра ўтлар, ях, яхна ичимлик, “Яйловда юрган сигир-бузоқларни кўрганимда айронни эслайман”, ёмон, ёқимли таъм, ёқимли, ёр, ёз ичимлиги, ёз жазирамаси, ёз кунлари, ёз кунларида ичишли муздек ичимлик, ёз мавсуми, ёз мавсумининг табиий ичимлиги, ёз ойлари, “Ёз пайти ҳар кун отам учун тайёрлар эдим”, ёз пайти, “Ёзда айроннинг таъми ўзгача бўлади”, ёзда ичиладиган яхна ичимлик, ёзнинг иссиқ чилласи, ёзнинг иссиқ кунлари, ёзнинг иссиқ кунларида ичиладиган чанқоқбосди ичимлик, ёзнинг жазирама иссиғи, ёзнинг жазирама кунлари, ёз чилласи, ёғ, ёғи олинган сузма, ёғли сузма, ёғоч қошиқ, ёшлигим, “Юзнинг тиниқлашишига, сочнинг ўсишига ёрдам беради”, йўл, йўл чети, йўловчилар ичимлиги, зардоб, зелен, зираворлар, зўр ичимлик, ўтлоқ, “Ўзга юртлик меҳмонларга ҳам ёқади”, шеваларда “чалоп”, шифобахи ичимлик, шифобахи, ширин айронлар, ширин, шивит, шопирмоқ, шўр таъмли, шўр, шўртанг, “Чаккининг суюлтирилган ҳолати ҳам “айрон” дейилади”, “Чалоп” – айроннинг шевадаги варианты”, “Чалоп” деб ҳам аташади”, чанқоқ босувчи ичимлик, чанқоқ қолдирувчи ичимлик, чанқоқбосди ичимлик, чанқоқни босувчи хуштаъм ичимлик, чанқоқни қондириши, чанқоқни қондирувчи ичимлик, чарчаш, челак, чеснок, чорвачилик, чучук, чўл 1;  
(533+345+33+312+3)

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: Ассоциатив майдон назарияси

#### Режа:

1. Ассоциатив майдон ҳақидаги қарашлар таҳлили.
2. Ассоциатив майдонини белгилаш (амалий машқ).
3. Ассоциатив майдон таркибини таҳлил қилиш (амалий машқ).

**Таянч тушунчалар:** *ассоциатив майдон, ассоциатив майдон бирликлари, ассоциат, ассоциатив майдон ядроси, ассоциатив майдоннинг чегара қисми*

#### ТОПШИРИҚ

*Ассоциатив майдон тушунчасига тавсиф беринг.*

1. *Функционал-семантик майдон тушунчасига тавсиф беринг.*
3. Ассоциатив майдоннинг таркибий қисмлари: ядро ва чегара қисм ҳақида маълумот беринг.
4. *Атлас стимул сўзи ассоциатив майдонида индивидуал ва жамоавий характердаги ассоциатларни аниқланг.*

**АТЛАС (матю):** *кўйлак 68; миллийлик 31; матю 25; келин 11; кийим 10; Марғилон 10; миллий кийим 9; адрас 6; либос 6; Наврўз 6; қиз 5; гўзаллик 4; камалак 4; қизлар 4; чиройли 4; байрам 3; дўппи 3; келинчак 3; раққоса 3; ўзбек қизлари 3; атлас кўйлак 2; “Атлас” фирмаси 2; аёллар 2; баҳор 2; газлама 2; ипак 2; Марғилон атласи 2; миллий матю 2; Наврўз байрами 2; Наврўз сайли 2; ранг 2; ранглар жилоси 2; силлиқ 2; урф-одат 2; ажойиб матю, Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбир, андоза, анъана, атлас белбоғ, атлас бозор, атлас дўкони, атлас дўппи, “Атлас кийган ҳар қандай аёл қалбида миллийигимизни туяди”, атлас кийган қиз, “Атлас кийган қизлар жуда ҳам чиройли кўринишади”, атлас кийган қизлар, “Атлас кийган қизни турмушга чиққан бўлса керак, деб ўйлашади”, атлас кийимлар, атлас костюм, атлас кўрна, атлас кўрпача, “Атлас кўйлак – келинлар зийнати”, “Атлас кўйлакни Наврўз байрамида кийишади”, “Атлас кўйлакни қиммат бўлганлиги учун бой хонадон аёллари кийишган”, атлас лозим, атлас лозим-кўйлак кийган қизлар, атлас матюси, атлас нимча, атлас оёқ кийим, атлас рўмол, атлас тўқиш технологияси, атлас тўқиш, атлас тўқиётган ҳунарманд, атлас ёстиқлар, атлас шарф, “Атлас чет элда ҳам машҳур”, атлас чопон, “Атласда миллийлигимиз ифори уфуриб туради”, “Атласда ранглар уйғунлиги асосий ўринда туради”, “Атласда етти хил камалак ранги жилоланиб туради”, атласдан оёқ кийим, атласдан тикилган*

кийимлар, атласдан ясалган оёқ кийимлар, атласли қуроқ ёстиқ, “Атласнинг шоҳини “хонатлас” дейишади”, “Авваллари ёқмасди, ҳозир шу матодан тикилган кийимлар жон-у дилим”, “Авваллари келинларнинг кўрпалари атласдан тикиларди, ҳозир жуда ҳам кам учрайди”, аёллар кийими, аёллар матоси, аёлларимиз киядиган қадимий ва айни пайтда замонавий мато, “Аёлларнинг кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади”, баҳор фасли, “Баҳор келиши билан ўзбек қизлари ранг-баранг атласлардан кўйлақлар тикиб кийишади”, баҳор сайли, баҳорнинг илиқ ҳавоси, банорас, бежирим либос, бежирим мато, бежирим, белбоғ, белбоғ мато, беқасам, безак, безаклар, безуборлик, бир жуфт атлас, бир кийимлик атлас, “Биринчи синфга борганимда ойим Наврўз байрамига атласдан кўйлақ тикиб бергандилар, мен дугоналаримга мақтанганман, ҳали ҳам эсимда, чиройли кўйлақ эди”, “Бизда куёвга атлас белбоғ беришади, бу белбоғнинг нақшлари қўлда тикилиши шарт”, бозор, бозор растаси, “Бу мато ҳамшиша урфда”, “Бу мато ҳеч қачон ўз мавқеини йўқотмайди”, “Бу сўзни эшитганимда ўзбек халқига хос миллийлик, ифтихор, ишончни ҳис қиламан”, бутун дунёга машҳур мато, бувимнинг сандигидан олган асл матоси, бўёқ, бо‘ёқлар, дастгоҳ, дизайнерлар, дугоналарим, дунё ранглариининг мужассамлиги, дунёга машҳур, дунёнинг барча ранглариини ўзида жамлаган ёрқин мато, дурра, “Дўппи тикдим” қўшиғи, энг чиройли мато тури, “Энг машҳури Маргилон атласи ҳисобланади”, энг севимли матоларимдан, эрим, Фаргона, фасон, фахр, географик ҳудуд, гўзал қизлар, ҳаммага мос, ҳаммага ёқадиган материал, ҳақиқий ўзбек қизи, ҳар бир келиннинг сарпосида бўладиган кийим, “Ҳар бир қиз келин бўлганида атласдан ко‘йлақ тиктиради”, ҳар хил ранглар уйғунлиги, ҳар хил рангларда товланадиган мато, ҳаё, “Ҳеч қачон урфдан қолмайди”, “Ҳозирги пайтда йигитларимиз ҳам атласдан замонавий либослар кийишмоқда”, “Ҳозирги вақтда бу матодан тикилган кийимларни кўчаларда кўришимиз қийин, фақат саҳналарда, ё бўлмаса, келинлар сепида учратамиз”, ҳуснкор, ибо, иффат, “Икки ёшлигимда биринчи марта атлас кўйлақ кийиб суратга тушган эканман”, “Илгари ҳамма атлас кўйлақ кийиб юрган, ҳозир эса фақат Наврўз байрамида кийишади”, инжиқ мато, ип, ипак дўппи, ипак газлама, ипак мато, ипак қурт, “Ипакдан тайёрланади”, ипакдан тайёрланган ҳарир мато, ипакдан тайёрланган мато, ипакдан тўқиладиган миллий мато, ипакдан тўқилган мато, ироқи дўппи, жилокор мато, жилоланиб турадиган мато, жилоли ва нақшинкор, жилвакор нақшлар, “Жилвакор хонатлас матоларнинг энг устунидир”, жозибатор, жозибали, жуда ҳам жилодор, камалак ранглари, камалак рангларидан безак, карта, “Келин сепларида кўп учрайди” келинчак либоси, келинчакларимиз, келинчакларнинг энг гўзал кийими, келинчакларнинг энг кўп

киядиган либоси, келинчакларнинг кўркига кўрк қўшувчи мато, келинлар устидаги кўрк, келинлар, келинларимиз сепига қўйиладиган мато, келинларнинг тўй сарпоси, келинликнинг кўрки, “Келинсалом”, кийимлар, концертлар, костюм, костюм-юпка, Кумушбиби, куёв, кўклам, кўрғазма, кўркам, кўз кўрганда қамашадиган мато, кўзни оладиган мато, кўзни қувнатадиган мато, либослар шоҳи, либослар танлови, либосларим, лобар келинчаклар, мафтункор, малика, маросим, маросимлар, “Марғилон – атласлар юрти”, “Марғилон атласи жуда ҳам сифатли ва харидоргир”, Марғилон ҳунармандлари атлас тўқишади”, Марғилон шаҳри, машаққатли қо‘л меҳнати, материал, мато тури, майда тароқли, майин, меҳмонлар, мен ёқтирган мато, менталитетга мос мато, миллатлар, миллий, “Миллий байрамларда атласдан либос тикилади”, миллий либос, миллий либослар, миллий мато тури, миллий матомиз, миллий қадрият, миллийлигимиз рамзи, миллийлигимизни акс эттирувчи мато, миллийлигимизнинг ҳақиқий кўриниши, миллийлик ва замонавийлик, мода, Муҳаммад Юсуфнинг “Узун кўйлак” шеъри, нафис, нафислик, нафосат, нақш, нақшинкор, “Нақшларининг жозибадорлиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради”, Наврўз байрамида кийиладиган кийим, “Наврўз байрамида атлас кийишади”, Наврўз кунлари, назокат, Нодирабегим, намозиом атлас, оддийлик, олд томони ялтироқ, онажоним берган сариқ рангли атлас, “Онам қадимий атласдан олиб қўйганлар”, “Опа-сингиллар” кинофильми, оқ капалак, орзу бўлиб қолган болалигим, Отабек, пахта, пилла, пишиқ, пушти ва қора рангли банорас кўйлагим, “Қадимда бу матодан аёллар кўйлак тиктириб кийишган”, “Қадимда бу матодан кўрпа-ёстиқлар, чопонлар тикишган”, “Қадимдан келинларимиз сепидан атлас кўйлаклар жой олган”, қадимдан то ҳозиргача урфда бўлган мато, қадимги ўзбек матоси, қадимий мерос, қадимий, қадрли, қайнонам, қайнотам, қиммат, қимматбаҳо миллий либос, қимматбаҳо, қизил атлас, “Қизлар атласни ироқи дўппи билан кийишади”, қизлар давраси, “Қизлар Наврўз байрамида тиктириб кийишади”, “Қизлар узатилаётганда ота уйдан атлас кўйлакда чиқиб кетишади”, қизларнинг гўзаллиги, “Қизларнинг чиройига чирой қўшади”, қизларнинг кўрки, қизларнинг сарполари, қизларнинг севимли матоси, қизчалар, қора атлас, қудалар, қулайлик, Қўқон шаҳри, “Қўқон ва Марғилонда махсус атлас тўқийдиган жойлар бор”, қўшимиз, ранг-баранг, ранг-баранглиги билан ҳам чиройли, ҳам машҳур бўлган миллий мато, ранглар, ранглар уйғунлиги, рангларнинг жилованиши, рангли мато, рақсга тушаётган қизлар, расм, Регистон, рўмол, рўмолча, саккизинчи Март, саккизтепки атлас, салом қилиш, сандиқ, санъат асари, сариқ атлас, сарпо, саёҳат, сержило, сифатли, сиёсий харита, сотувчи, совға, сочлари майда

ўрилган қизлар, “Спортчиларимизни миллий атлас кийган қизларимиз кутиб олишади”, сумалак, табиий, “Табиий ипакдан тайёрланади”, табиий тоза маҳсулот, табиийлик, тадбир, тикув машинаси, тикувчи, тикувчимиз Шоира опа, “Топ-дизайнер” кўрсатуви, товар, товланиб турадиган мато, товусли, тоза ипакдан тўқилган нафис мато, тоза мато, турфа рангли, турли безаклар, турли рангда қаттиқ тўқилган мато, турли ранглр жилоси, “Турли хил ранглрда жилоланиб туради”, тут барги, тўқиш, тўй, тўй-ҳашамлар, “Унда етти хил ранг мужассам”, “Ундан тикилган ко‘йлақлар ҳаммага бирдай ёқади”, урфдан қолмайдиган мато, уста, Увайсий, халқимизнинг ўтмиши, халқимизнинг ўзлиги, харита, хонатлас, хурсандчилик, ялтироқ, ял-ял ёниб турган атлас, янги келинчак, янги келинчаклар тўйнинг эртасига чимилдиқдан кийиб чиқадиган кийим, “Янги келинлар атласдан кўйлақ-лозимлар тиктиришади”, “Йигирма биринчи аср охиригача ҳамма ўзбек аёллари фақат атласдан кийим кийишган”, ёрқинлик, Юлдуз Усмонованинг кўшиги, йўл-йўл, замонавий услубда тикилган кийимлар, замонавий, заратлас, зардўппи, зардўзи доппи, зарчопон, ўлмас қадрият, ўйин-кулгу, ўзбек атласи, ўзбек аёли, ўзбек аёллари, ўзбек аёлларининг миллий либоси, ўзбек келини, ўзбек маданиятининг тимсоли, ўзбек миллий кийими, ўзбек миллий либоси, ўзбек миллий матоси, ўзбек қизларининг энг чиройли матоси, “Ўзбек халқининг бутун дунёга машҳур бўлишида қайсидир маънода алоқадор”, ўзбек халқининг миллий либоси, ўзбек халқининг миллий матоси, ўзбек, Ўзбекистон атласлари, Ўзбекистон, “Ўзбекистоннинг кўйлаб ҳудудларида ишлаб чиқарилади”, ўзбеклар, о‘збекона, ўзбекларнинг миллий либоси, ўзбекларнинг миллий матоси, ўзбекларнинг миллийлиги, ўзбекнинг ўзига хослиги, ўзбекча тикилган атлас, ўзига чорловчи мато, ўзлимиз, ўзлимиз, ўзимизнинг миллий атлас, ўзимизнинг миллий матомиз, ўзликни англаиб турувчи мато, шойи мато, шойи, “Чарлари”, чет эл дизайнерлари, чет элдан келган меҳмонларни лол қолдирган мато, чет эллик меҳмонлар, чет элликлар эътирофи, “Чет элликларга ҳам жуда ёқади”, чирой, чиройли кўйлақ, чопонлар, чой узатиш, чўгдай ёниб турган атлас 1; (608+396+34+362+2)

5. Битирувчи стимул сўзига берилган мактаб, коллеж, лицей, сўнги кўнгироқ, устозлар, синфдошларим, диплом, аттестат ассоциатларининг жамоавий характерда эканлиги асослаб беринг.

### 3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

## Бадиий матннинг ассоциатив майдони

#### Режа:

1. Бадиий матннинг ассоциатив майдони масаласига доир назарий қарашларни таҳлил қилиш.
2. Вербал ассоциацияларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрнини аниқлаш.
3. Бадиий матннинг ассоциатив майдони: ядро ва чегара қисмлар муносабатини белгилаш.

**Таянч тушунчалар:** *ассоциатив майдон, ассоциатив муносабат, вербал ассоциация, матн композицияси, матннинг таянч бирликлари, матннинг ассоциатив майдони, майдон ядроси, майдоннинг чегара қисми*

#### ТОПШИРИҚ

1. Бадиий матннинг ассоциатив майдони масаласига доир назарий қарашларни таҳлил қилинг ва илмий хулоса ёзинг.
2. Берилган шеърий матнни асооциатив таҳлил қилинг.

#### Ёшлик

Ёшлик! Сени куйламаган ким,  
Эртақларинг сўйламаган ким,  
Қариганда ўйламаган ким,  
Ўйлаб яна куйламаган ким?  
Битмоқ бўлдим мен ҳам сенга байт,  
Ёш юракнинг ҳаққи борми, айт?  
Ёшлик, асли менинг ўзимсан,  
Кенг оламга боққан кўзимсан.  
Ёзган шеърим, айтган сўзимсан,  
Кечам, эртам, ушбу рўзимсан.  
Битмоқ бўлдим сен учун ашъор,  
Аммо ўзни куйламоқ душвор.  
Ёшлик – гулу гулғунча экан,  
Бу гул олам тургунча экан,  
Ёшлик – беҳад тушунча экан,  
Поёни йўқ гардунча экан.  
Битмоқ бўлдим мен унга дoston,  
Уйларимга топмадим поён.  
Ёшлик, дилдан шавқ кетгани йўқ,  
Юрак сени тарк этгани йўқ,  
Юрак сени тарк этгани йўқ,



Демак, қадрингга етгани йўқ.  
Ёшлик, сени куйлаб билурман,  
Аммо бугун ёшлик қилурман.  
Ёшлик – ишқу ошиқлик майли,  
Ўзи Мажнун, ҳам ўзи Лайли,  
Субҳи олам унинг туфайли.  
Майли, унга битмасам майли,  
На бир ғазал, на бир мусаддас,  
Унинг ўзи шеърдан муқаддас.

**3. Берилган шеърий матннинг ассоциатив майдонини ҳосил қилинг. Майдоннинг ядро ва чегара қисмлари муносабатини чизма орқали кўрсатинг.**

#### Қизалоқ


Кўғирчоқдан бир зум нари кетмасдан  
Эркалар, бағрига босар қизалоқ.  
Ҳаёт нима – ҳали идрок этмасдан,  
Гўдаклигига ҳам ақли етмасдан,  
Она бўламан деб ўсар қизалоқ.  
Таажжуб, ким солмиш унинг кўнглига,  
Кирмоқ қайда ҳали ҳаёт йўлига,  
Она алласига қонмасдан ҳали,  
Эртага шу уйга бека бўлгали  
Супурги тутуди жажжи қўлига.  
Ҳалитдан оналик меҳр-шафқатин  
Дилингга солдингми, эрка қизалоқ?  
Татиб кўрмай ҳали ҳаёт заҳматин,  
Мушфиқ оналикнинг бор машаққатин  
Бўйнингга олдингми, эрка қизалоқ?  
Гулзор яшагандек ғунча қатида,  
Томчида қуёшнинг жамолин кўрдим.  
Ўйласам, ўй битмас ҳаёт ҳақида,  
Шу жажжи қизалоқ табиатида  
Табиатнинг буюк камолин кўрдим.

**НАМУНА:** Э.Воҳидовнинг «Олма» шеъри ассоциатив майдонининг чизмаси.

#### Олма

*Мева берди етилиб бу йил*





#### 4-, 5- АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

### Ассоциатив тажриба методи. Ассоциатив тажриба натижаларининг таҳлили

#### Режа:

1. Ассоциатив тажриба методининг амалий аҳамиятини ёритиш.
2. Ассоциатив тажриба ўтказиш методикаси. Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил қилиш.
3. *Атала, бешиктўй* стимул сўзлари ассоциатив майдони бирликларини лингвистик таҳлил қилиш.

**Таянч тушунчалар:** *ассоциатив тажриба, ассоциатив тажриба методи, эркин ассоциатив тажриба, боғли ассоциатив тажриба, йўналтирилган ассоциатив тажриба, стимул сўз, респондентлар, информантлар, синалувчилар.*

**Ишдан мақсад:** Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

### **Ишни бажариш учун намуна.**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Ассоциатив тажриба методининг амалий аҳамиятини таҳлил қилиш (мунозара, суҳбат).
2. Ассоциатив тажриба натижаларининг статистик таҳлилини амалга ошириш (амалий машқ).
3. Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик таҳлил қилиш.

### **ТОПШИРИҚ**

1. “Турли фан соҳаларида ассоциатив тажриба методининг қўлланишининг амалий аҳамияти” мавзусида илмий хулоса ёзинг.
2. Берилган стимул сўзлар бўйича ассоциатив тажриба ўтказинг. Ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил қилинг. Стимул сўзлар: *Ватан, она, фарзанд, университет.*
3. *Атала* стимул сўзи ассоциатив майдони бирликларини лингвистик таҳлил қилинг.

### **Лингвистик таҳлил тартиби:**

#### **I. Лексик бирликнинг лексик-семантик белгиси:**

- 1) лексик бирликнинг луғавий маъноси;
- 2) лексик бирликнинг семантик компонентлари;
- 3) лексик бирликнинг кўчма маънолари;
- 4) лексик бирликларнинг парадигматик қаторлари (синонимик, антонимик, омонимик, партонимик, паронимик, уядошлик қатори);

#### **II. Лексик бирликнинг лексик-грамматик белгиси:**

- 1) лексик бирликнинг морфологик шакллари;
- 2) лексик бирликнинг нутқий синтагматик қаторлари.

#### **III. Лексик бирликнинг деривацион хусусияти:**

- 1) лексик бирлик асосидаги ясалмалар.

#### **IV. Лексик бирликнинг акустик белгиси.**

#### **V. Лексик бирликнинг услубий белгиси.**

#### **VI. Лексик бирликнинг прагматик белгиси:**

- 1) коннотацион хусусияти;
- 2) баҳо муносабатини ифодалаши;
- 3) дейктик хусусияти;

#### **VII. Лексик бирликнинг гендер белгиси.**

#### **VIII. Лексик бирликнинг миллий-маданийлик белгиси.**

#### **IX. Лексик бирликнинг ижтимоийлик белгиси.**

#### **X. Лексик бирликнинг ассоциатив майдони.**

#### **XI. Лексик бирликларнинг қўлланиш частотаси.**

*АТАЛА: taom 68; milliy taom 19; un 17; suv 9; bo'tqa 8; yog' 8; tug'ruqxona 7; mazali 6; qiymali atala 6; shakar 6; shirin 6; bolalar bo'tqasi 4;*

ovqat 4; sut 4; ayollar 3; bolalar 3; go‘dak 3; quyug 3; suyuqosh 3; to‘yimli 3; chaqaloq 3; arpa 2; atala qilish 2; atalamoq 2; atala-umoch 2; bolalar ovqati 2; bug‘doy 2; bo‘shang odam 2; go‘sh 2; kasal 2; piyozdog‘ 2; qiymali 2; sariyog‘ 2; suyuq ovqat 2; tug‘gan ayol 2; umoch 2; yorma atala 2; yovg‘on atala 2; zig‘ir yog‘ 2; andijon, aralash-quralash, arpadan pishirilgan atala, atala idish, atala ichish, atala ichmoq, atala masallig‘i, atala ovqat, atala pishirish, atala quymoq, atala tayyorlash jarayoni, atala tayyorlayotgan onajonim, “Ataladay suyulma”, atalasimon ovqat, avtobus, “Belni mustahkamlaydi”, bir mahsulotni ikkinchisiga qo‘shish, aralashtirish, bolalar taomi, bug‘doydan qilingan atala, “Bunaqa ovqatni bilmayman”, buvi, buvim, buvimning atalasi, guruch, “Har doim ham pishirilavermaydi”, har xil masalliqlardan pishirilgan aralash-quralash taom, “Hozir atalaga go‘sh qiymasi ham solishadi”, “Ichmaganman”, ilik to‘ldirar taom, issiq atala, kambag‘alchilik, kambag‘allar ovqati, kamharj taom, keksa kishi, keksalar taomi, keksalik, kuch-quvvat, ko‘kat, ko‘chma ma‘noda “bo‘shashgan odam”, masalliq, milliy taomlarimizdan biri, molga semirtirish uchun beriladigan aralashma, onam pishirgan shirin atala, onam, oq atala, qadimgi taom, “Qadimgilar ko‘proq atala ichib katta bo‘lishgan”, qadimiy taom, qariya, qariyalar, qizdirilgan yog‘, “Qizdirilgan yog‘da un qovurilib, unga suv solib pishiriladi”, qizdirilgan yog‘ga un, suv qo‘shib pishiriladigan suyuq ovqat, qo‘shnimizning vagonlarda turadigan atalasi, qora atala, qovurilgan undan tayyorlanadigan suyuq taom, qozon, quvvat beruvchi taom, quvvat, quyug bo‘tqa, sigirlarga beriladigan atala, sut atalasi, sut va undan tayyorlanadigan taom, suyuq taom, suyuq, taom turi, tariq, tomoq og‘rig‘i, to‘yimli ovqat, tutun, undan tayyorlanadigan taom, unli suyuq taom, “Uzoq vaqt qaynatiladi”, xom-xatala ovqat, xom-xatala, xushta‘m, xo‘rda, yangi tug‘gan ayol, “Yaqinda farzandli bo‘lgan ayolga atala qilinadi”, yaqinda tug‘gan ayol, yo‘l, yosh bola, yosh bolalar ovqati, yosh bolalar, o‘zbeklarning sevimli taomi, o‘zbek milliy taomi o‘choq, shirin atala 1; (317+127+39+88+29)

4. *Бешиктўй* стимул сўзи ассоциатив майдонида акс этган экстрлингвистик билимларни аниқланг.

**Экстралингвистик билимлар:**

- I. Тил эгаларининг воқелик ҳақидаги когнитив билимлари.
- II. Тил эгаларининг шахс хусусиятлари (ёши, касби, руҳияти, дунёқараши, жинси, ижтимоий мавқеи, воқеликка муносабати кабилар) ҳамда ташвиш ва муаммолари.
- III. Миллий-маданий соҳага доир билимлар.
- IV. Диний соҳага доир билимлар.
- V. Ижтимоий соҳага доир билимлар.
- VI. Иқтисодиётга доир билимлар.

- VII. Сиёсий соҳага доир билимлар.
- VIII. Санъат соҳасига доир билимлар.
- IX. Спортга доир билимлар.
- X. Медицинага (психотерапия) доир билимлар.
- XI. Илм-фан, таълим соҳасига доир билимлар.
- XII. Техникага доир билимлар.
- XIII. Номлар (антропоним, топоним, этноним кабилар).
- XIV. Жест ва мимикалар.
- XV. Лозунг ва рекламалар.

**BESHIKTO'Y:** *to'y 38; marosim 27; bola 24; chaqaloq 22; urf-odat 17; bayram 7; beshik 7; xursandchilik 7; ayollar 4; mehmonlar 4; bazm 3; bosh-oyoq sarp 3; karnay-surnay 3; qovurdoq 3; sarp 3; sochma 3; to'yxona 3; o'yinchoqlar 3; alla 2; an'ana 2; belanchak 2; bolalik 2; do'ppi 2; farzand 2; go'dak 2; ichimliklar 2; kiyim-kechak 2; ko'rpacha 2; mehmondorchilik 2; orzu-havas 2; qarindoshlar 2; qo'ni-qo'shni 2; qudalar 2; salla 2; sochqi 2; sovg'a-salom 2; to'y bola 2; xarajat 2; ziyofat 2; shirinliklar 2; ahli ayollar, "Alla" qo'shig'i, amaki-amma, amma-xolalar, avloddan avlodga o'tib keluvchi qadriyat, "Avvallari beshik to'yi bola 10-15 kunlik bo'lganda qilinardi, lekin hozir unday emas", "Avvallari kichkina qilib o'tkazilgan, hozir nikoh to'ylaridan qolishmaydigan qilib o'tkazishyapti", ayollarning turli hazillari, "Azaldan mavjud bo'lib, hozirgacha saqlanib qolgan", "Barcha qarindosh-urug'lar yig'ilib, "yangi mehmon"– chaqaloqni, qutlaydilar", barchaga hurmat ko'rsatish, baxmal yopinchiqli beshik, baxtiyor odamlar, baxtli xonadon, "Ba'zi bir joylarda chaqaloq bir yoshligida beshik olib kelinadi", bejirim beshik, beshik asbob, beshik asboblari, "Beshik bezatilib, ichi sarpolar, sovg'alar bilan to'ldiriladi", beshik keltirgan mehmonlar, beshik olib borish, "Beshik to'y ham aslida marosim", "Beshik to'y to'ng'ich farzandga o'tkaziladi", "Beshik to'yda barcha qarindosh-urug'lar yig'ilib, bolaga sovg'alar berishadi", "Beshik to'yida momolarimiz qon chiqarib, bolani beshikka soladilar", "Beshik to'yida qiz tomon yangi tug'ilgan chaqaloqqa har xil o'yinchoqlar, bola va ona uchun sarp kiyimlar qilib kelishadi", "Beshik to'yini buvjonlarimiz joyiga qo'yishadi", "Beshik yonida yana turli xil buyumlar ham olib kelishadi", beshikka belash, "Beshikni kelinning ota-onasi olib kelishadi", beshikni tuzash, bezatilgan beshik, "Bezatilgan toychoq, beshikning ikki qushi bolaning tinch uxlashini ta'minlaydigan, uni balo-qazolardan asraydigan qismidir", bir uy ayollar, bir yoshli bola, birinchi farzand, birinchi nabira, bobo-buvilar, bobom, bola bir yoshga to'lganda qilinadigan kichik to'y, bola sarposi, "Bola tug'ilganda kelinning onasi beshik olib keladi", "Bola tug'ilgandan keyin ona tomon momosi beshik olib keladi", "Bola tug'ilgandan so'ng 2-3 oy ichida o'tkaziladi", "Bola tug'ilgandan so'ng bir*

yoshga to'lgunga qadar beshik to'y qilinadi", bola tug'ulgandan keyin o'tkaziladigan marosim, bola uchun mebellar, bola uchun yaxshi niyatlar qilish, bolaga atab elga to'y berish, bolaga atalgan kiyimlar, bolaga sarpo kiydirish, bolakayning shodon kulgusi, bolalar shovqini, bolalarning qiy-chuvi, bolani beshikka belash, bolani beshikka solish marosimi, bozor, bosh farzandga qilinadigan to'y, "Boshqa marosimlarga nisbatan kichikroq marosim hisoblanadi", "Bu kunga yetganlar bor, yetmaganlar bor", "Bu marosimda erkaklar ishtirok etishmaydi, lekin barcha tashkiliy ishni qilib berishadi", "Bu marosimda kattaroq yoshdagi ayol chaqaloqni beshikka belaydi", "Bu marosimda ona tomondan bobo va buvilar chaqaloq uchun kiyimlar, sovg'a-salomlar va, albatta, beshik olib kelishadi", "Bu marosimda qiz tomon chaqaloq uchun beshik, kiyim-kechaklar olib keladi", "Bu to'yda beshikka qo'shib, laganlarda shirinliklar, pishiriqlar beriladi", "Bu to'yga ketadigan sarf-xarajatlarni kelinning ota-onasi ko'taradi", "Bu to'yga ketadigan xarajatlar ikki tomonga teng bo'linadi, sababi bu odat tusiga kirib qolgan", "Buvijonlarimiz beshikka ko'rpacha qovishadi, yostiqchalar tikishadi", buvim, bo'g'irsoq, dasturxon yozish, dasturxon, dunyoga kelgan "yangi mehmon"ni beshikka solish udumi, duo, "Elga osh beriladi", endi dunyoga kelgan chaqaloq, erkaklarsiz o'tkaziladigan marosim, "Ezgu niyatlar bilan yoshi katta buvijonlarimiz bolani beshikka solishadi", "Farzand dunyoga kelganda yo bir yoshga to'lganda yaqin qarindoshlar bilan kichkina to'y qilinadi", Farzand tug'ilganda beshik to'yi qilishadi", farzand tug'ilganda o'tkaziladigan marosim, "Farzandsiz kishilar: "Bizlar ham beshik to'ylar qilaylik", – deb niyat qilishadi", "Hamma qarindoshlar chaqaloqqa o'yinchoq, kiyim-kechak olib kelishadi", har qanday oilaning orzusi, har xil o'yinchoqlar, har xil sovg'alar, har xil yumshoq o'yinchoqlar, harir pardali belanchak, havas, hayot, "Hozirda beshikka qo'shib bolalar mebellari ham olib kelinadi", "Ikki taraf ota-onalari birgalikda to'y qilishadi", jiyan, jiyanim va ukamning beshik to'yi, kampir, karnay-surnay navolari, karnay-surnay sadosi, "Kattaroq yoshdagi ayol chaqaloqni beshikka belaydi", kayvoni ayol, kelin, "Kelin tarafdagilar qovurdoq, shirinliklar, beshik, o'yinchoqlar, kiyim-kechaklar olib kelishadi", kelin tomon asosiy xarajatlarni qiladigan to'y, "Kelin tomon nevarasiga beshik olib boradi", kelin tomon, kelin tomondan beshik olib borilishi, kelinlar orzusi, kelinning ayollik maqomini olishi, "Kelinning onasi chaqaloqqa har xil kiyim qiladi", kelinning onasi, "Kelinning ota-onasi bolaga kiyim-kechaklar olishadi", "Kelinning ota-onasi nabirasi uchun beshik olib kelishadi", kelinning ota-onasi, kiyim, kiyim-kechaklar, kichkina to'y, kulcha, kuyov tomon, kuyov uyi, "Ko'proq bola 40 kunlik vaqtida qilinadi", ko'zmunchoq, mablag', mahalla-ko'y, "Marosim o'tkaziladigan kuni chaqaloq, uning dadasi va onasiga sarpo qilib kelinadi", marosim o'tkazuvchi ayollar, mazali taomlar, mebel,

*mehmon, mehmondo'stlik, "Mehmonlarga osh berilib, o'yin-kulgi qilinadi", mehmonlarning duoga qo'l ochishi, mehmonlarning raqsga tushishlari, milliy an'ana, milliy marosim, milliy marosimlarimizdan biri, milliy taomlar, milliy urfodatlarimizdan biri, nabira, nevara, nikoh to'yi, niyat, non, nonga o'ralgan shashlik, odamlar, "Odatda, beshik to'y katta farzand tug'ilganda qilinadi", oila, oilada birinchi farzand tug'ilganida o'tkaziladigan to'y, "Oilada bosh farzandga atab o'tkaziladi", oilada farzand tug'ilganda o'tkaziladigan kichkina marosim, "Oilada farzand tug'ilishi munosabati bilan beshik to'y bazmi uyushtiriladi", ona, "Ona farzandining chaqaloqchasiga orzu-havaslar bilan beshik yasatib boradi", ona va bola, onam, onaning qiziga sarpo kiydirishi, orzu, orzu-niyat, orzu-umid, ot yetaklash, ota-ona orzusi, ota-ona, "Ota-onalar farzandlariga beshik to'y qilishadi", ota-onaning xursandchiligi, oyim, osh, pishir-kuydir, pichoq, pul sochish, pushti rangli ko'ylagim, qand-qurs, qari ayol, qarindosh, qarindosh-urug', qarindosh-urug'ga ziyofat berish, qaynona, qaynota, qiz bola, "Qiz taraf katta xarajatga tushadi", qizlar, "Qizning onasi beshik olib keladi", qizning onasi, "Qizning ota-onasi chaqaloqqa turli-tuman kiyimlar qiladi", qizning ota-onasi, qishloq, quda sarpo, quda tomon, quda, quda-anda, "Quda-andalar "yangi mehmon" tug'ilishi munosabati bilan yig'ilib, to'y qilishadi", qo'ni-qo'shnilar, Qo'qon, qo'y so'yish, qo'shiq-kuy, rang-barang sharlar, raqs, rasm-rusm, salla o'ragan jiyanim, sarpolar, sarpo-surug', sovg'alar, sovg'a-salom olib borish, sochala, sumak, sunnat to'y, tabrik, tantanali marosim, tilak, toy ustidagi bola, tog'ora, turli o'yinchoqlar, turli sovg'alar, tuvak, to'kin-sochinlik, to'n kiygan jiyanim, to'ng'ich farzand, "To'ng'ich farzandga olib borilgan beshikda qizning boshqa farzandlari ham katta bo'lishadi", to'ng'ich farzandga ona buvisi qiladigan to'y, to'ng'ich farzandga qilinadigan to'y, to'y qilish, "To'yda beshikka belash" marosimi ham o'tkaziladi", "To'yda chaqaloqning kamoli uchun tilaklar, duolar qilinadi", "To'yda yangi chaqaloqqa beshik olib kelishadi", "To'yday qilib o'tkaziladi", to'yona, udum, Udumga aylangan", uka, ukamning sallahasi, Unda bolani beshikka solish" marosimi bajariladi", uyqusiz tunlar, uzoq kutilgan mehmon, video, xatna to'y, xatna, xolam, xursandchilik qilish, xush kun, yangi beshik, yangi kiyimlar, yangi tug'ilgan chaqaloq, yangi tug'ilgan chaqaloqqa o'tkaziladigan bazm, yasatilgan sahna, yasatilgan toychoq, yaxshi kun, yaxshi niyat, yosh oila, yoshi katta kishilar, yugur-yugurlar, yumshoq o'yinchoqlar, zardo'zi to'n, ziyofat dasturxonasi, o'yin, o'yinchoq mashinalar, o'yinchoq, o'yin-kulgi, o'z nomi bilan to'y, o'zbek ayoli, o'zbek xalqining eng ajoyib marosimlaridan, o'zbekona to'y, "O'zimning beshik to'yimga Ilhom Ibragimov va Abdusalil Qo'qonov kelgan ekan", shaqildoqlar, shirin tashvish, sho'x musiqalar, shodon o'yin-kulgi, shod-xurram bolalar, shod-xurramlik, shukrona, shukronalik, "Shunday to'ylarga yetib yuringlar deb, mahalla-ko'ygacha,*



qo'shnilarga shirinliklardan ulashiladi", chaqaloq kiyimlari, chaqaloq uchun kiyimlar, "Chaqaloq bir haftaligida beshikka solinadi", chaqaloq bir haftaligida bo'ladigan marosim, chaqaloq chillasi, chaqaloq kelganini nishonlash, chaqaloq tug'ilgandan keyin qilinadigan marosim, chaqaloq tug'ilganidan keyin o'tkaziladigan to'y marosimi, chaqaloq tug'ilganini elga ma'lum qilish maqsadida qilinadigan marosim, chaqaloq uchun har xil o'yinchoqlar, chaqaloq va ona uchun sarpolar, "Chaqaloq yoshiga to'lar-to'lmas, qizning ota-onasi kuyovnikiga beshik olib borishadi", "Chaqaloq yuvdi" marosimi, chaqaloqni beshikka belash marosimi, chaqaloqni beshikka belash, "Chaqaloqni beshikka buvilarimiz solishadi", "Chaqaloqning chillasi chiqqanda qizning ota-onasi beshik olib kelib, to'y qilib berishadi", chaqaloqning har xil kiyimlari, "Chaqaloqning ona tarafdan buvisi beshik olib keladi", chaqaloqning ota-onasi, "Chaqaloqqa beshikni quda taraf olib keladi", chaqaloqqa atab to'y qilish, "Chaqaloqqa beshik olib kelinadi", chaqaloqqa kerak bo'ladigan buyumlar, charchoq, chelak, chilli, chiroyli bezatilgan beshik 1; (521+336+40+296+14)

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

### **Мактаб лексемаси ассоциатив майдонини лингвистик таҳлил қилиш**

#### **НАМУНА**

**Мактаб лексемасининг ассоциатив майдони:** ўқув даргоҳи, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим маскани, таълим-тарбия маскани, таълим муассасаси, билим ўчоғи, билимлар уйи, илм гулшани, маданият ўчоғи; савод ўргатиш, савод чиқариш, маълумотли бўлиш, маълумот олиш, ўқимоқ, ўқитмоқ, бола ўқитиш, тарбия бериш, одоб-ахлоқ ўргатиш; ўқувчилар, мактаб ўқувчилари; ўқитувчи, устоз, севимли устозим, муаллим, муаллима, биринчи муаллим; қўнғироқ, звонок, биринчи қўнғироқ, сўнғи қўнғироқ; билим, илм, маълумот; мактаб идораси, мактаб биноси; мактаб жамоаси, коллектив; бошланғич мактаб, мактаб-боғча, **интернат**, мактаб-интернат; ҳунар мактаби, касб-ҳунар мактаби, Тошкент хореография мактаби, мусиқа мактаби, рақс мактаби, шофёрлик мактаби; диний мактаб; махсус мактаб, хусусий мактаб; шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби; ўрта мактаб, олий мактаб; қизлар мактаби, ўғил болалар мактаби; **ўзбекча**, **русча**, **қозоқча**, қирғиз мактаби; **ўн бир йиллик**, **саккиз йиллик**, ўн йиллик мактаб; коллеж, лицей; **замонавий**, **янги**, **эски**; ўрта таълим, махсус таълим; ўқув юрти, олий ўқув юрти; институт, университет; мутахассислик, юқори синф, қуйи синф; 236-мактаб, 109-мактаб, 10-мактаб; мактаб яратиш, Ойбек номли мактаб; Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби, тилишунослик мактаби; тажриба мактаби, ҳаёт мактаби, синов мактаби; мактаб раҳбари, директор, завуч, домла, мактабдор; мактабдорлик, ўқитувчилик; мактабдош қизлар, мактабдош дўсти; мактаб оиҳонаси, бино, ёруғ хоналар; кутубхона,

директор хонаси, ўқитувчилар хонаси, мактаб ҳовлиси, мактаб боғи, синф, синфхона, каридор; парта, доска, ёзув столи; дарс, машғулот; она тили, адабиёт, тарих, математика, физика, химия, биология, ботаника, география, физкультура, меҳнат дарси, чизмачилик, инглиз тили, немис тили; дарсга тайёргарлик, уй вазифаси; ёзув-чизув; танаффус, катта танаффус; ўқув қуроллари, китоб, ўқиш китоби, дарслик, дафтар, бўёқ, ручка, қалам, чизгич, расм дафтари, кундалик дафтар; мактаб формаси, мактаб кийими, галстук, қизил галстук; пионер, октябрат, комсомол, комсорг; йиғилиш, ота-оналар мажлиси; битирувчи, қиз болалар, ўғил болалар, синфдош болалар, синфдош, синфдош дўстим, синфдош қизлар, дугона, ўртоқ; мактабимиз фахри, олтин медаль, қизил диплом, фахрий ёрлиқ, ташаккурнома; тадбир, битирув кечаси, мусобақа; ёзди-ёзди, қозғозбозлик; тиним билмаслик; болалар шовқини, шовқин-сурон; синфдан синфга кўчиш, мактабни тамомлаган, **битириш**; мактабдан қочиш, мактабдан ҳайдалиш; мактабдан безор, **жонгга теккан**, мактаб ташвиши; ташвишсиз кунлар; **жонажон**, **азиз**, **севимли**, **севимли** мактабим; ёшлик, ёшлик даврим; мактаб йилларим; **учрашув жойи**, илк муҳаббат.

**I. Мактаб лексемасининг лексик-семантик белгиси. Мактаб лексемасининг луғавий маъноси.** «Ўзбек тили изоҳли луғати»да мактаб лексемасининг қуйидаги маънолари берилган: 1 Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси. 2 Касб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти. 3 Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш. 4 Ўрганиш, тажриба орттириш, ўрناق олиш манбаи.<sup>1</sup> Бу маънолар мактаб лексемасининг қуйидаги ассоциацияларида реаллашиши аниқланди:

1. Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси: ўқув даргоҳи, ўқув маскани, ўқув юрти, таълим муассасаси, таълим-тарбия маскани, билим маскани, ўқиш жойи, билим ўчоғи, билимлар уйи, бошланғич мактаб, саккиз йиллик мактаб, ўн йиллик мактаб, ўн бир йиллик мактаб, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, ўрта мактаб, интернат, мактаб-интернат.

2. Касб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти: касб-ҳунар мактаби, мусиқа мактаби, рақс мактаби, махсус мактаб, хусусий мактаб, махсус таълим, шофёрлик мактаби, ҳунар мактаби, мусиқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, коллеж, лицей, махсус мактаб.

3. Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш: мактаб яратиш, тилишунослик мактаби, ёш қаламкашлар мактаби, Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби.

4. Ўрганиш, тажриба орттириш, ўрناق олиш манбаи: тажриба мактаби, ҳаёт мактаби, синов мактаби.

**Мактаб лексемасининг семантик компонентлари:** Мактаб лексемасининг бош маъноси савод ўргатиш, маълумотли қилиш, таълим-

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. Е-М. (Т.Мирзаев ва бошқ.) – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - Б.532.

*тарбия муассасаси семантик компонентларига эга. Савод ўргатиши, маълумотли қилиши семалари куйидаги ассоциацияларда юзага чиқади: савод ўргатиши, савод чиқариши, маълумотли бўлиши, маълумот олиши, ўқитмоқ, бола ўқитиши; таълим-тарбия муассасаси семантик компоненти эса куйидаги ассоциациялар орқали реаллашади: ўқув даргоҳи, ўқув юрти, таълим муассасаси, таълим-тарбия маскани, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим маскани, билим ўчоғи, билимлар уйи, бошланғич мактаб, интернат, мактаб-интернат, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби; махсус мактаб, хусусий мактаб, ўрта мактаб, қизлар мактаби, ўғил болалар мактаби; ўзбекча, русча, қозоқча, қирғиз мактаби; ўн бир йиллик, саккиз йиллик, ўн йиллик мактаб; коллеж, лицей; замонавий, янги, эски кабилар.*

**Мактаб лексемасининг кўчма маънолари.** *Мактаб лексемаси мактаб яратиши, ҳаёт мактаби, тажриба мактаби, синов мактаби, Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби бирикмалари таркибида кўчма маънода қўлланган. Ушбу бирикувларнинг барчасида мактаб лексемасида метонимик маъно кўчиши юз берган.*

*Мактаб лексемаси ассоциацияларида ҳам кўчма маъноли бирликлар учрайди. Жумладан, ассоциация майдонидан ўрин олган билим ўчоғи, таълим-тарбия ўчоғи, билимлар уйи бирикувлари таркибий қисмларининг (ўчоғи, уйи) метафорик маънода қўлланиши асосида ҳосил бўлган.*

**Мактаб лексемасининг парадигматик қаторлари.** *Мактаб лексемасининг парадигматик қаторларида от (парта, доска, синфхона, кутубхона, оиҳона, устоз, ўқувчи ва ҳоказо), сифат (жонажон, азиз, сеvimли, замонавий, эски, русча, ўзбекча), сон (236, 109, 10), феъл (тамомлаган, битириши, ўқийди, ўргатиши, таълим бериши, савод чиқариши, маълумотли бўлиши, маълумот олиши, ўқимоқ, ўқитмоқ, бола ўқитиши, тарбия бериши) туркумига оид сўзлар, кўп миқдордаги сўз бирикмалари (биринчи муаллим, биринчи қўнғироқ, сўнги қўнғироқ, бошланғич мактаб, катта танаффус, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, махсус мактаб, хусусий мактаб, диний мактаб, мактабдош қизлар, мактабдош дўсти, ўқитувчилар хонаси, илк муҳаббат ва ҳоказо), кам миқдордаги иборалар (жонгга теккан), гап тузилишидаги синтаксемалар (мактабни битирган, мактабни тамомлаган, мактабдан ҳайдалган) қайд этилди.*

*Синонимик муносабат куйидаги ассоциацияларда кузатилади: ўқув даргоҳи, таълим муассасаси, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим ўчоғи, билим маскани, таълим-тарбия маскани; мактаб формаси, мактаб кийими.*

*Мактаб лексемаси билан боғлиқ антонимик ассоциациялар кузатилмади.*

*Куйидаги жуфтликларда мактаб лексемасининг партонимик муносабати кузатилди: мактаб – парта, мактаб – доска, мактаб – синфхона, мактаб – кутубхона, мактаб – оиҳона, мактаб – ўқитувчилар хонаси.*

*Мактаб лексемаси ассоциациялари куйидаги уядошлик қаторларига бирлашди: мактаб турлари – касб-хунар мактаби, musiқа мактаби, рақс мактаби, шофёрлик мактаби, ҳунар мактаби, диний мактаб, ўн бир йиллик,*

саккиз йиллик, ўн йиллик мактаб, мактаб-интернат; мактаб жиҳозлари – парта, ёзув столи, доска, ёзув тахтаси; ўқув қуроллари – китоб, дафтар, ручка, қалам, чизгич, расм дафтар; фанлар – она тили, адабиёт, тарих, математика, чизмачилик, физика, химия, биология, ботаника, география, физкультура, меҳнат дарси.

**II. Мактаб лексемасининг лексик-грамматик белгиси.** Ассоциатив тажриба асосида *мактаб* лексемасининг қуйидаги морфологик шакллардаги ассоциациялари қайд этилди: *мактабим, мактаби, мактабни, мактабда, мактабимиз.*

*Мактаб* лексемаси вербал ассоциацияларига хос характерли жиҳат шуки, унда кўплаб ассоциатив сўз бирикмалари кузатилди, гап тузилишидаги ассоциациялар нисбатан кам учради.

*Мактаб* лексемаси бевосита қуйидаги ассоциатлар билан синтагматик муносабатга киришади: *ўқув даргоҳи, ўқиш жойи, ўқув маскани, билим маскани, таълим-тарбия маскани, таълим муассасаси, билим ўчоги, билимлар уйи, илм гулшани, маданият ўчоги; интернат, ўзбекча, русча, қозоқча, ўн бир йиллик, саккиз йиллик, замонавий, янги, эски, битириш, жонгга теккан, жонажон, азиз, севимли, учрашув жойи.*

*Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонида қуйидаги нутқий синтагматик боғланишлар кузатилди: *жонажон мактабим, 236-мактаб, 109-мактаб, 10-мактаб, мактаб ўқувчилари, ҳаёт мактаби, тилишунослик мактаби, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, шофёрлик мактаби, ҳунар мактаби, мусиқа мактаби, Тошкент хореография мактаби, мактаб яратиш, лицейда ўқиш, мактабни тамомлаш, мактабни битирган, матабдан ҳайдалиш* кабилар.

Ассоциатив майдондаги шаклий синтагматик муносабат кўринишлари: 1) тенг муносабат: *мактаб-боғча, мактаб-интернат*; 2) тобе муносабат кўринишлари: а) бошқарув: *дарсга тайёргарлик, мактабни тамомлаш, мактабдан ҳайдалиш*; б) мослашув: *ўқитувчилар хонаси, директор хонаси, мактаб кутубхонаси, мактабимиз фаҳри*; в) битишув: *биринчи муаллим, биринчи қўнғироқ, сўнги қўнғироқ, бошланғич мактаб, хусусий мактаб, диний мактаб, ўғил болалар, ўн йиллик мактаб, севимли устозим, битирув кечаси.*

Мазмуний синтагматик муносабат кўринишлари: а) предикатив муносабат: *мактабни тамомлаган, мактабдан ҳайдалган*; б) атрибутив муносабат: *ҳаёт мактаби, мусиқа мактаби, махсус мактаб, шаҳар мактаби, қишлоқ мактаби, жонажон мактаб, севимли мактаб*; в) релятив муносабат: *синфдан синфга кўчиш, мактабдан қочиш*; г) объектли муносабат: *мактабдан безор.*

**III. Мактаб лексемасининг деривацион хусусияти.** Ассоциатив тажриба асосида *мактаб* лексемаси асосида ясалган қуйидаги лексик ассоциациялар аниқланди: *мактабдош, мактабхона* (архайк), *мактабдор* (архайк), *мактабдорлик* (архайк).

**IV. Мактаб лексемасининг акустик белгиси.** *Мактаб* лексемаси вербал ассоциацияларида *мактаб* лексемасига талаффузда ҳамоҳанг бўлган лексик бирликлар кузатилмади.

**V. Мактаб лексемасининг услубий белгиси.** *Мактаб* лексемаси ассоциацияларида услубий хосланган қуйидаги ассоциатлар аниқланди: а) бадий услуб – *илм гулшани*; б) сўзлашув услуби – *мактабдан безор, жонгга теккан*; в) илмий услуб – *математика, физика, химия, биология, ботаника, география*; г) публицистик услуб – *ўқув даргоҳи, ўқув маскани, билим ўчоги, билим маскани, маданият ўчоги, билимлар уйи, тажриба мактаби, ҳаёт мактаби, синов мактаби, мактаб яратиш*.

**VI. Мактаб лексемасининг прагматик белгиси.** **Коннотацион хусусияти.** *Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонидан ўрин олган *ҳаёт мактаби, илм гулшани, билим ўчоги, таълим-тарбия ўчоги, билимлар уйи* метафорик қўлланишлари орқали коннотатив маъно ҳосил қилинган.

**Баҳо муносабатининг ифодаланиши.** *Мактаб* лексемаси вербал ассоциацияларида тил эгаларининг мактаб ва мактаб ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юз берган воқеъликларга нисбатан салбий ва ижобий муносабатлари ҳам акс этган. *Мактаб* қуйидаги ассоциацияларда инсон ҳаётидаги кўнгилли воқеалар ифодаси сифатида акс этиши кузатилди: *олтин медаль, қизил диплом, фахрий ёрлиқ, ташаккурнома, голиблик, биринчи кўнгирак, сўнги кўнгирак, илк муҳаббат. Жонажон мактаб, азиз мактабим, севимли устозим* ассоциацияларида тил эгаларининг ижобий муносабати ёрқин акс этади.

Инсонда мактаб ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юз берган кўнгилсиз воқеалар қуйидаги ассоциацияларда ўз ифодасини топи: *асаббузарлик, қозғозлик, ёзди-ёзди, тиним билмаслик, болалар шовқини. Мактабдан безор, мактабдан қочиш, жонгга теккан, мактаб ташвиши* ассоциацияларида тил эгаларининг салбий муносабати ўз ифодасини топади.

**VII. Мактаб лексемасининг гендер белгиси.** *Мактаб* лексемасининг қуйидаги ассоциациялари гендер белгисига кўра фарқланади: *қизлар мактаби, ўғил болалар мактаби, синфдош болалар, синфдош қизлар, муаллим, муаллима*.

**VIII. Мактаб лексемасининг миллий-маданийлик белгиси.** *Мактаб* лексемасининг қуйидаги ассоциацияларида миллийлик белгиси юзага чиқади: *ўзбекча (мактаб), русча (мактаб), қозоқча (мактаб), қирғиз мактаби*.

**IX. Мактаб лексемасининг ижтимоийлик белгиси.** *Мактаб* лексемаси билан боғлиқ ассоциацияларнинг ижтимоийлик белгиси қуйидаги жуфтликларда яққол кўзга ташланади: *ўқитувчи – ўқувчи, директор – завуч, синф раҳбари – ўқувчи*.

**X. Мактаб лексемасининг ассоциатив майдони.** *Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонининг асосини қўлланиш доираси кенг, фаол сўз ва сўз бирикмалари ташкил этди. Бироқ ассоциатив майдон таркибида эскирган сўз ва бирикмалар, айрим паремиялар, прецедент номлар ҳам кузатилди. Масалан, *комсомол, комсорг, пионер, октябрат, галстук* кабилар эскирган қатламга оид бўлиб, совет даври мактабларида таълим олган кишиларда ҳосил бўлади.

*Мактаб* лексемаси ассоциатив майдонида қуйидаги прецедент бириклар кузатилди: а) прецедент номлар: а) *Ойбек номли мактаб, Ойбек*

*мактаби, А.Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби;* б) прецедент жумлалар: *Мактаб – таълим-тарбия маскани.*

**XI. Ассоциатларнинг қўлланиш частотаси.** *Мактаб* лексемаси ассоциатларининг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, синалувчиларнинг барчасида *мактаб* лексемаси, аввало, ўқувчиларга савод ўргатиш, билим ва тарбия берувчи таълим маскани сифатида тасаввур ҳосил қилади. Мактаб ўқувчилари учун *мактаб* лексемаси билим олиш масканидан ташқари дўстлар билан учрашув, дийдорлашув жойи сифатида тасаввур уйғотади. Шу сабабли бу ёшдаги ўқувчиларда *синфдош дўстим, дугона, ўртоқ, дўстларим, учрашув жойи* ассоциациялари кузатилди. Катта ёшдаги тил эгаларида *мактаб* лексемасининг ёшлик даври билан боғлиқ экстралингвистик ассоциацияларни уйғотиши қайд этилди. Масалан: *ёшлигим, ёшлик даврам, мактаб йилларим, илк муҳаббат.*

### Назорат саволлари:

1. Ассоциатив тажриба методи нима мақсадда ўтказилади?
2. Ассоциатив тажриба методи қайси фанлар доирасида қўлланади?
3. Ассоциатив тажриба методи қандай босқичларда олиб борилади?
4. Ассоциатив тажриба методи натижаларининг лингвистик таҳлилида нималарга эътибор қаратилади ?
5. Ассоциатив тажриба методи натижаларининг ститистик таҳлилида қандай вазифалар амалга оширилади?
6. *Ассоциатив майдон ядроси ва чегараси* деганда нима тушунилади?

## **V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР**

- 1.“Нутқий мулоқот” модулини ўқитишда идрок харитасидан ва концептуал жадвалдан фойдаланиш
- 2.Иккинчи тил дарсликларига қўйиладиган халқаро талаблар (ўзбек тили дарсликлари мисолида)
- 3.“Турли адабий жанрлар билан ишлаш методикаси” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш
- 4.“Абдулла Авлоний ва Ҳамза ижоди” модулини ўқитишда қиёсий-тахлилий методлардан фойдаланиш
- 5.“Ўзбек тилида лексик семантик муносабатлар” модулини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш.
- 6.“Ўзбек тилида ўзлашма сўзлар” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш.
- 7.”Алишер Навоийнинг Муҳокамат ул-луғатайин асари ва туркий тиллар тараққиёти масалалари” модулини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.
- 8.”Тилшуносликнинг фанлар тизимида тутган ўрни” модулини ўқитишда интерфаол маърузадан фойдаланиш методикаси.
- 9.”Эски ўзбек тилида ёрдамчи сўз туркуми” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш.
- 10.Соф кўмакчиларнинг услубий хусусиятлари.

## VI.КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1. Кейс-стади.

Берилган фикрни ҳамкорлик методида муҳокама қилинг ва “Она тили” ва “Ўзбек тили” фанлари мисолида ўз фикрингизни билдиринг.

**Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва таълим тизимида юз берган туб ўзгаришлар барчамизга маълум. Ушбу ислохотлар самарали натижалар бериши учун ҳукуратимиз томонидан жуда кўп меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, таълим соҳаси ходимлари томонидан кўп саъй-ҳаракатлар қилинди. Бугунги кунда эришилган қатор ютуқлар билан бир қаторда ечими қийин кетаётган муаммоли ҳолатлар ҳам йўқ эмас.**

1. Кўпчилигимиз собиқ таълим тизимида ўқиб ўрганганмиз ва билимларимиз анча пухта бўлганлигини биламиз. Бироқ собиқ таълим тизимидан ҳозирги таълим тизимининг афзаллиги нимада деб ўйлайсиз? Камчилик жиҳати ҳам борми?

2. Таълим берувчи билан таълим олувчилар муносабатида ҳамкорлик методига асосланиш, яъни ўқувчиларни таълим объекти эмас, таълим субъекти деб ҳисоблаш ва таълим субъектларини фаоллаштириш, сизнингча, таълим самарадорлигининг қайси жиҳатларига таъсир қилади? Айнан шу бугунги кунда нималарни ўзгартирди?

3. Коммуникатив таълимнинг анъанавий таълимдан, компетенциявий ёндашувнинг коммуникатив тамойилдан фарқли ва афзаллик жиҳатлари нималарда кўринади? Ушбу ёндашувларда биридан иккинчисига ўтишда нималарнидир сақлаб қолиш керакми ёки бутунлай воз кечиш маъқулми?

### 2. Берилган саволларга жавоб беринг.

- “Нутқий фаолиятнинг 4 амали” тушунчасини изоҳланг.
- Нутқий компетенция қандай шакллантирилади?
- Нутқий малаканинг ҳосил бўлиш жараёни қандай амалга оширилади?
- Лингвокультурологик компетенция нималарни ўз ичига олади?
- Прагматик компетенцияда нималар назарда тутилади?
- Таянч, хусусий ва метакомпетенция деганда нималарни тушунасиз?

### 5-мавзу бўйича топшириқлар

Гуруҳларга бўлиниб, саволлар бўйича фикрингизни баён этинг:

#### 1-гуруҳ учун:

А) ОТМларда “Ўзбек тили” фани мазмуни ва ўқув-услубий таъминоти масаласига муносабат билдиринг.



Б) “Ўзбек тили” ёки “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанлари бўйича бирор мавзунини лойиҳалаштиринг.

В) Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари компетентлиги даражасига қўйилган талабларни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

## **2-гuruh учун:**

А) ОТМлар бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш.

Б) Рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш методикаси ва ўқув-услубий таъминотини яхшилаш ҳақида таклифларингиз

В) Олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қандай талаблар қўйилиши керак?

## **Кейс-стади**

1. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари: мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар
2. Тил таълимнинг халқаро даражалари: компетенциявий даражаларни республикамизда чет тиллари ва ўзбек тилини ўқитишга мувофиқлаштириш муаммолари.
3. Ўзбек тилидан компетенциявий даражаларни сертификатлаштириш муаммолари:  
А) Эҳтиёж борми? В) Ечими қандай? С) Қандай натижа кутилади?

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР</b>	<b>Русча муқобили</b>	
Ассоциация	Ассоциация	Association
Ассоциатив алоқа	Ассоциативная связь	Associative communication
Вербал ассоциация	Вербальная ассоциация	Verbal Association
Ассоциатив майдон	Ассоциативное поле	Associative field
Ассоциатив тажриба	Ассоциативный эксперимент	Associative experience
Парадигматик муносабат	Парадигматическое отношение	A paradigmatic relationship
Синтагматик муносабат	Синтагматическое отношение	Syntagmatic relation
Стимул сўз	Слова-стимул	Stimulus word
Жавоб реакцияси	Ответная реакция	The response
Синалувчи	Респондент	Inspector
Эркин ассоциатив тажриба	Свободный ассоциативный эксперимент	Free associative experience
Йўналтирилган ассоциатив тажриба	Направленный ассоциативный эксперимент	A focused associative experience
Ассоциатив метод	Ассоциативный метод	Associative method

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

### II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Deese J. The structure of associations in language and thought. Johns Hopkins Press. 1965. – P. 216.

2. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – Б.115, 126.

3. Белянин В.П. Психоллингвистика. Учебник. – М.: Флинта, 2003. – С.131;

4. Береснева Н.И. Модель внутреннего лексикона в позднем онтогенезе (ассоциативный эксперимент): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пермь, 1997. – 24 с.
5. Волков В.В. Введение в психолингвистику: Пособие по спецкурсу. – Ужгород, 1994. – 202 с.;
6. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: Изд-во Российского университета Дружбы народов, 1997. – 332 с.;
7. Горошко Е.И. Описание механизмов ассоциирования и проблема классификации реакции // Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента // [www.textologu.ru](http://www.textologu.ru)
8. Горошко Е.И. Языковое сознание (ассоциативная парадигма): Дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2001. – С. 352-353.
9. Джамбаева Ж.А. Ассоциативный эксперимент: методологические основы // Л.Н. Гумилев атындагы ЕҰУ Хабаршысы. 2013. - №1. - С. 20.
10. Ермолова М.В. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С. 136-140.
11. Клименко А.П. Лексическая системность и ее психолингвистическое изучение: учеб. пособие. - Минск: Изд-во Минского пед. ин-та иностр. яз., 1974. – С.47-48.
12. Клименко А.П. Третий тип словесных ассоциаций и виды семантической связи между словами в системе // Романское и германское языкознание. Вып. 5. – Минск, 1975. – С. 52;
13. Конева Е.А. Специфика функционирования паронимов в ментальном лексиконе (экспериментальное исследование): Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. - Курск, 2010. – С.11.
14. Крушевский Н.В. Очерк науки о языке. – Казань, 1883. – С.65.
15. Кузнецова И.Н. Теория лексической интерференции: Автореф. дисс. ... д-ра филол.наук. – М., 1998 // [cheloveknauka.com](http://cheloveknauka.com)
16. Кузнецова Л.Э. ЛЮБОВЬ как лингвокультурный эмоциональный концепт: ассоциативный и гендерный аспекты: Дис. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2005 // <http://31f.ru/dissertation/page>
17. Лурия А.Р. Речевые реакции ребенка // Речь и интеллект в развитии ребенка. – М., 1927а.
18. Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. СПб., 1997. <http://davaiknam.ru/text/g-a-martinovich-verbalenie-associacii -v-associativnom-ekspe-rim -page-5>.
19. Мартинович Г.А. Типы вербальных связей и отношений в ассоциативном поле // Вопросы психологии, 1990. – № 2. – С. 143-146.
20. Махмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур махсули // Н.Махмудов, Д. Худойберганава. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати. -Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 6.

21. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун ўқув қўлланма). – Андижон. 2006. – Б. 59.
22. Овчинникова И.Г. Текстобразующая роль вербальных ассоциативных структур: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1986 б. – С.7-8.
23. Покровский М.М. Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. – С.21.
24. Слобин Д., Грин Дж. Психоллингвистика. – М., 1976. – С.141.
25. Худойберганаева Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015. – Б. 33.
26. Шамсиддинов Ҳ. Кўрув хотира тасаввури ассоциацияси асосида юзага келган номлар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). III қ. – Тошкент. 2006. – Б.19.

#### **IV.Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
7. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
8. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
9. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)
- 10.[http:// www.dissert.ru/pedagog.html](http://www.dissert.ru/pedagog.html)
- 11.<http://www.istedod.uz/>
- 12.[www.scopus.com](http://www.scopus.com)